



№ 27 (2596) - son

Ishonch

2009-yil

| | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
|----|---|---|----|---|---|----|----|---|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|
| Ya | D | S | Ch | P | J | Sh | Ya | D | S | Ch | P | J | Sh | Ya | D | S | Ch | P | J | Sh | Ya | D | S | | | | | | | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | 24 | 25 | 26 | 27 | 28 | 29 | 30 | 31 |

Mart

Ijtimoiy-iqtisodiy gazeta * E-mail: ishonch-doverie@mail.ru * Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan



Рашид ГАЛИЕВ тўлган сурат

Анонс




«Менинг жигит вақтим...»

4-бет



Ишда ухлаб қоладиган киши

5-бет



Жамоа шартномасида келишилганмиди?

6-бет



Тезоқар сокин дарё

12-бет



Фаолият муҳокама қилинди

Шу кунларда мамлакатимизнинг кўпгина корхона ва ташкилотларида иш берувчилар ҳамда касаба уюшма кўмиталари ўртасида тузилган 2009 йилги жамоа шартномалари муҳокамасига бағишланган конференциялар ўтказилмоқда. «Ўзкимёшазаводи» ОАЖда бўлиб ўтган конференцияда цехлар ва жамоат ташкилотларининг вакиллари — 90 нафар делегат қатнашди.

Анжуманда корхона бош директори Бахтиёр Разиев 2008 йилги жамоа шартноасининг



бажарилиши юзасидан маъруза қилди. Унда айтилишича, мазкур ҳужжатда кўзда тутилган барча имтиёз ва кафолатларнинг бажарилиши таъминланган.

Корхона касаба уюшма кўмитаси раиси Анатолий Бугаев меҳнат муҳофазаси ва муаммоларни ҳал қилиш масалаларига тўхталди.

Янги жамоа шартномаси иштирокчилар томонидан қизгин муҳокама қилинди.

Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Қўшма корхона шарофати билан

Жаркўргонда Ўзбекистон ва Туркия ҳамкорлигида 450 минг АҚШ доллари миқдорда маблағ ажратилиб, янги қўшма корхона ташкил этилди. У қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритиш ва қайта ишлаш билан шуғулланади. Ажратилган маблағнинг 150 минг доллари Туркиянинг «Агесса» компаниясига тегишли.

— Бугунги кунда Туркиядан мева-сабзавотларни қуритиш ускуналари тўлиқ келтириб ўрнатилди, — дейди «Бактерия агро экспорт» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Абдумурод Абдураҳмонов. — Натижада, 36 та янги иш ўрни яратилди. Вилотимиздаги 46 та мева-сабзавот етиштирувчи фермер хўжалиги билан 2009 йилда 750 минг сўмлик маҳсулот олиш учун шартнома тузди. Бундан ташқари, Россиянинг Новосибирск шаҳридаги «Сибвостоагро» савдо уйи билан 3 млн. 20 минг доллар миқдорда экспорт шартномасини имзоладик.

Мева-сабзавотларни қуритиш ускуналари компьютер воситасида ишлатилади. Бир кунда 24 тонна маҳсулотни қуритишга мўлжалланган. Корхонага асосан маҳаллий ёшлар ишга бўлинаяпти. Иш мавсуми бошлангунга қадар туркиялик мутахассислар уларни қайта ўқитишади.

Рустам ДАВЛАТ, «Ishonch» мухбири

Кўкдалада қўшма корхона

Чироқчи туманидаги Кўкдала қишлоғида 30 мингга яқин аҳоли яшайди. Фуқароларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида «LEATHER KARSHI» Ўзбекистон—Греция—Швейцария қўшма корхонаси ташкил этилди.

Терини қайта ишлаш ва чарм ашёлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонанинг низом жамғармаси 150 минг АҚШ доллари тенг бўлиб, унга чироқчилик ишбилармон Алишер Худойбердиев ва Тошкент шаҳридаги «RLM» Ўзбекистон—Греция—Кипр қўшма корхонаси 25 фоиздан, Швейцариядаги «MPC International investments Consultants GmbH» компанияси ва унинг

мамлакатимиз пойтахтидаги «MPC-Tashkent» шўъба корхонаси 15 фоиздан, грециялик тадбиркор Янис Триполиционис эса 20 фоиз миқдорда улуш қўшишган.

Хитойдан келтирилган замонавий технология ёрдамида янги корхонада бир ойда 12 мингдан 20 минг донагача тери қайта ишланади.

Иzzат ҲИКМАТОВ, «Ishonch» мухбири

Газ таъминоти яхшиланади

Ўзбекистон туманидаги хонадонларнинг 79 фоизи газ билан таъминланган.

Жорий йилда газ корхонаси томонидан яна 300 та хонадоннинг «зангори олов»га бўлган эҳтиёжи қондирилади. Корхона ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Абдураҳим Маматкуловнинг таъкидлашича, Қўназар, Ҳозиқузод қишлоқларида паст босимли газ қувурлари тортилади. Шунингдек, «Ўзтрансгаз» лойиҳаси бўйича Қумбосди қишлоғининг газ қувурлари янгиланади. Яйпаннинг Жомий кўчасида ҳам газ тизимида мукамал таъмирлаш ишлари олиб борилади.

Аҳил жамоанинг саъй-ҳаракатлари туфайли ўтган йили аҳолининг дебитор қарздорлиги камайганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Абдулхай ЮНУСОВ, «Ishonch» мухбири

Иш ҳажми ошди

«Бахтқишхўжмаш» қўшма корхонаси Бахт тажриба-синов механика заводи ўзагида «Россия-Техмашимпекс» фирмаси билан ҳамкорликда ташкил қилинган бўлиб, қишлоқ хўжалик техникалари учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

2005 йили плуглар учун 25 мингта лемех ишлаб чиқарилганди. 2007 йилда белгиланган режа 8 ойда бажарилди. Йилдан йилга иш сифати ошиб бораётир. Бундай ютуқларга эришишда Шарофиддин Нишонов, Абдурасул Орипов, Сарвар Жабборов сингари уста-темирчилар бошқаларга ўрнак

бўлишаяпти.

— Соф фойда эвазига Россиядан 30 млн. сўмлик ускуналар келтириб ўрнатдик, — дейди ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Муҳиддин Шомуродов. — Энди ишчилар сони ҳамда иш ҳажми янада ошади.

Пиримқул ДЎСТМАМАТОВ, «Ishonch» мухбири

Ташкилот ва корхоналар диққатига!

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг капитал қурилиш бошқармаси

Тошкент шаҳар «Чинобод санаторийси» ҳудудидаги соатига 3000 литр маъданли сув қуядиган цех қурилиш объекти бўйича

Танлов савдоси (тендер) эълон қилади

Қурилиш муддати — пудрат шартномаси имзоланганидан бошлаб 8 ой ичида

Қурилиш буюртмачининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи — Ўзбекистон КУФК капитал қурилиш бошқармаси.

Савдо ташкилотчиси — Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг капитал қурилиш бошқармаси.

Ташкилот ва корхоналар куйидаги шарт-шароитларга мувофиқ бўлиши, яъни: мазкур танлов савдоси қиймати-

нинг 20 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги айланма маблағга ёхуд кўрсатиб ўтилган маблағни берадиган банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базасига, иш (хизмат)ни бажариш учун зарур меҳнат захираси ва мутахассисларга, юқоридагига ўхшаш танлов, фуқаролик иншоотлари каби объектларда ишлаш

тажрибасига ҳамда шартнома тузиш ваколатига эга бўлиши даркор.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларини қабул қилиб олиш учун савдо ташкилотчиси — Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг Капитал қурилиш бошқармасига куйидаги манзил бўйича мурожаат қилиши лозим:

Тошкент ш., Мўйноқ кўчаси, 4-тор кўча, 15^а уй.

Танлов ҳужжатлари бир тўплами нархи — 100 000 сўм.

Савдо ташкилотчилари томонидан офертлар куйидаги манзилда қабул қилинади:

Тошкент ш., Мўйноқ кўчаси, 4-тор кўча, 15^а уй.

Тел: 298-68-86, 298-66-23.

Савдо ташкилотчисига офертни тақдим этишнинг сўнгги муддати куйидаги манзил — Тошкент ш., Мўйноқ кўчаси, 4-тор кўча, 15^а уй да офертлар очиладиган кун ва соатгача белгиланган. Офертларни очиш эълон газетада чоп этилган кундан 30 кун ўтгандан сўнг амалга оширилади.

Солиқ

Ўзбекистон тараққиётининг бешта асосий тамойилидан бири кучли ижтимоий ҳимоядир. У солиқлар эвазига амалга оширилади. Шу боис аҳоли ўртасида солиққа доир қонунларни кенг тарғиб қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Ижтимоий

ҲИМОЯНИНГ АСОСИ

Давлат солиқ кўмитасида бўлиб ўтган «Солиқ билимлари — болаларга» мавзусидаги анжуманда шу йўналишда олиб борилаётган ишлар хусусида сўз борди. Жумладан, Давлат солиқ кўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазириликлари билан ҳамкорликда мактаб, коллеж ҳамда олий таълим муассасаларининг ноиқтисодий йўналишларида солиқ саводхонлиги бўйича махсус ўқув режалари ишлаб чиқилди. 1 — 9-синф ўқувчилари учун «Иқтисод ва солиқ алифбоси», «Иқтисод ва солиқ сабоқлари», «Солиққа тортиш асослари» номли дарсликлар нашр этилди.

ДСК ўқитувчиларнинг мадақасини оширишга ҳам катта эътибор қаратган. 2008 йилнинг август ойида Солиқ академиясида республикадаги иқтисодий билимларга ихтисослашган таянч мактабларнинг бир гуруҳ ўқитувчилари иштирокида махсус тренинглари ташкил этилди.

«Солиқ билимлари — болаларга» республика танловини ўтказиш йўлга қўйилган.

Анжуманда ДСК раисининг биринчи уринбосари, Солиқ академияси ректори Эркин Гадов солиқ тизимида олиб борилаётган ишлар, шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳақида фикр билдирди.

Тадбирда иштирок этган Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазириликлари, ОАВ вакиллари ҳамда мутахассислар солиққа оид дарсликлар хусусида маълумотларга эга бўлдилар.

Дилором АЛЛАКУЛОВА, «Ishonch» мухбири

Ташаббускор дугоналар шижоати

Боёвут туманидаги Гулбахор қишлоқ хўжалик коллежини ҳар йили юзлаб ёшлар битиради. Мавжуда Аллаёрова ва Шаҳноза Турдибоева шулардан бири. Улар коллежда ўқиб юрган чоғидаёқ ташаббус кўрсатиб бигиш-тикиш тўғараги очилди. Шу боис ўқишни имтиёзли диглом билан тамомлаган бу икки дугонанинг иш излаб юришига ҳожат қолмади. Тиришқоқ, ташкилотчи қизларни устозлари қанотига олди.



Мавжуда коллеж ётоқхонасида тарбиячи бўлди, дугонаси Шаҳноза эса тикувчилик тўғарагида қизларга чеварлик сирларини ўргатмоқда.

Айни кунда коллежининг замонавий тикув машиналари билан жиҳозланган цехида чеварларнинг қўли қўлига тегайди. Қизлар Шаҳноза кўмагида ўзларига турли фасонда кўйлак тик...

Шамсиева тўғарак учун зарур шароитни яратиб берди.

Бугунги кунда ташаббускор қизлар тайёрлаган буюмларни санаб санабга етиб бўлмайди. Кўйлақдан тортиб дўппи-ю ёстиқча, чойнак ёпқичу елпигичча, юмшоқ ўйинчоқ дейсизми, ҳаммасини ўзлари тайёрлашади. Энг муҳими, қизлар ҳунар ўрганиш баробарида мўмайгина пул ҳам ишлаб топашаяпти. Тўғарак қизлари айниқса, дўппи тикишга қизиқиб қолишган.

Қиз-

намуналар олиб, чиройли буклетлар билан Боёвут тумани мактабларининг битирувчилари ҳузурига ташриф буюришди. Айниқса, Ховос тумани битирувчилари билан учрашув жуда мароқли яқунланди. Қизлар ўзлари тиккан буюмларни намойиш қилиш билан бирга, коллеж нуфузини ҳам кўтаришди. Натижада, қабул чоғида мана шу ҳудуддан коллежда ўқиш истагини билдирган ёшлар анча кўпайди.

— Ҳақиқий ишимиз энди бошланади, — дейди Мавжуда Аллаёрова. — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги

Қашқадарё улкан қурилиш майдонига айланган. Ишчи кучига талаб катта бўлган Деҳқонобод туманида йилига 200 минг тонна ўғит ишлаб чиқарадиган калий заводининг барпо этилаётганлиги қишлоқларни анча ўзгартириб юборади.

Улкан қурилиш майдони

Кейинги икки йилда кўплаб қишлоқларга табиий газ, тоза сув келтирилганлиги, хориж технологияси асосида йигирмадан ортиқ гишт заводи қурилганлиги, Нуристон кўрғони, Муборак тумани марказида 300 та ҳовли типидagi кotteж, 20 та кўп қаватли турарга нлиги корлик наму-

БМТ Тараққининг комплекси «Тириниш» асосан Кишон туманлоқларида объектлар лаяпти. Хутоб туманида мирчи, Бешлоқларини газ-Пахтаобод, Са-зарларини қуриш, Жайраҳона, Тубчоқ қишлоқларини тоза сув билан таъминлаш учун кенг кўламли ишлар амалга оширилади.



...сатпоат

Қишлоқларда ўтган йили 18 минг квадрат метр уй-жой барпо этилди. Бу рақам жорий йилда янада кўпаяди.

Китобнинг Қуйиоқбой фуқаролар йиғинидаги

Тараққиёт ва Фаровонлик манзаралари

кишади. Шунингдек, у бошқараётган тўғаракда бичиш-тикишдан ташқари зардўзлик, пазандаликдан ҳам сабоқ берилади. Мухтасар қилиб айтганда, бу ерда қизларга турмушда асқотадиган барча ҳунарлар ўргатилмоқда. Шаҳноза амалга оширган ибратли ишлар довурига тезда теварак-атрофга ёйилди. Коллежининг ёнида жойлашган 6-мактаб ҳамда Гулбахор кўрғонидан ҳунар ўрганишни истаган қизлар уларни сўроқлаб кела бошлашди.

Орадан кўп вақт ўтмай икки дугона атрофига 15 қиз жипслашди. Коллеж раҳбарининг маънавий-маърифий ишлар бўйича муовини Дилфуза

лар савобли ишларга ҳам қўл уришмоқда. Ўзлари тайёрлаган ўйинчоқларни ногирон болаларга бепул тарқатишаяпти. Бундай мурувватдан Гулбахор кўрғонида жойлашган «Гулшан» боғчаси болалари ҳам бебаҳра қолишмади.

Ўтган йили Мавжуда Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси уюштирган «Дўппи тикдим, ипаклари тиллодан» танловининг вилоят босқичида 2-ўринни эгаллади. Бундан-да қизиқроқ воқеа ёзги таътилда рўй берди. Мавжуда ва Шаҳноза ўзлари тайёрлаган буюмлардан

йили муносабати билан коллежининг 50 ўринли ётоқхонасида ўқувчиларга ўз уйларидагидек шароит яратиб берамиз.

— Тикувчилик тўғараги фалиятини янада кенгайтиришни мўлжаллаб турибмиз, — деди Шаҳноза Турдибоева. — Мақсадимиз теваракдаги қишлоқларда яшовчи ишсиз қизларга ҳунар ўргатишдир.

Пиримкул ДўСТМАМатов, «Ishonch» мухбири

Қусам, Хайробоод, Яқкабоғнинг Маданият, Фузорнинг Машъал, Қоратикан қишлоқларида қурилган гишт заводларининг қуввати ортиб бормоқда.

Келгусида 48 та гишт, 7 та мрамор плита ва 28 та бошқа турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган корхоналар қурилади.

Боймурод МЕЙЛИЕВ, қурилиш ва қурилиш ашёлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Қашқадарё вилоятидаги вакили

Муолиш бошида автобусдан тушганимда, хуфтондан ҳам ўтганди. Бундай пайтда 2-3 чақиримлик ички йўлда қатнов кам бўлади. Шунинг учун яёв юра бошладим. Масофа яримлаганида орт томондан машина ўтиб, 20-30 қадамча олдинда тўхтади. Эшиги очилиб, ҳайдовчи тушди.

— Қани, жўражон, таниб тўхтатмасак, имлай ҳам демайсиз, — деди синфдошим Бахтиёр.

— Ҳа энди, шунга кўникиб қолганмиз. Яёв юриш кони фойда дейдилар-ку. Ўзингиз қаердан келаяпсиз?

— Туман марказида сим орқали селектор йиғилиши ўтказилди.

Бир китобча кўлимга тушиб қолди, унда сизнинг суратингиз бор экан. Айтмайсиз ҳам?

— Сизга аталгани бор. Ўзингиз ҳам катта фермер бўлиб кетган эмишсиз.

— Бўлмасам-чи. Эртага яқшанба, жўра. Агар вақт топилса, ўша далаларга айланиб ўтинг. Болалик дамларни эслардик.

Зум ўтмай манзилга етиб келдик. Ўйласам, болалигим ўтган кенгликларга бормаганимга анча йиллар бўлибди. Эртаси сайр руҳида йўлга чиқдим. Қишлоқ йўли Нарпай канали бўйлаб ўтувчи тошйўлга туташди.

Металлдан ясалган осма кўприкдан канални кесиб ўтгач, атрофни кузатдим. Жийдазорларда чинорлар бор. Кексаларнинг ҳикоя қилишича, шу ерлик тadbиркорнинг ўғли бўлиб, дарахтда ўтирган парикизлардан бирига ошиқ бўлиб қолади. Уни қочириб қўймаслик учун ҳушёрлик билан бо-

риб, узун сочидан маҳкам тутарди. Қиз кўйиб юборишини сўраб ялинганда, ўзига қаллик бўлишини сўрайди. Шунда ҳурлиқо: «Майли, аммо сиз аввал менга атаб бир боғ яратишингиз керак. Шундай қилсангиз, албатта, қайтиб келаман», — деб ваъда берибди. Йигит соч-

Чинга



...фермерлик

ларни кўйиб юборгач, парикиз гойиб бўлиб, унинг овози олис самодан эшитилибди: «Раҳмат сизга, берно йигит! Мен албатта кела-ма-а-ан!».

Ўша парикизнинг қайтиб келган-келмагани ҳақида аниқ фикр йўқ. Аммо ошиқ чиндан ҳам сўлим боғ яратиб, унинг атрофини беш пахсали девор билан ўраттирган. Бу боғ ўтган асрнинг олтмишинчи йилларигача сақланиб қолган.

Ҳозир канал жанубидаги ўша ясси тепаликлар сурилиб, 44 гектарлик ҳосилдор ерга айлантирилган. Карта бошида сув йўлларини тозалаётганлар билан суҳбатлашдик. Бахтиёр Мустафоев раҳбарлигидаги фермер хўжалиги далаларини айланишда Жамил Очилов ҳамроҳ бўлди. Биргаликда Қозоқариқ сув йўлидан ўтиб, Наврўзтепанинг қўйи қисмини кузатдик. Бу карталар сув йўлларига мос равишда яхлитлаштирилибди. Сал пастроқда 2 гектарча ҳосилсиз ерлар янги зовур қазилгандан кейин ўзлаштирилган. Шундан кейин «Олтинбулоқ»

тераққорга айлантирилган. Келаси йилдан уларни кесиб, фойдаланилса бўлади.

Тadbиркор учун олисни кўра билишнинг ўзиёқ муваффақиятларнинг нишонасидир. Бахтиёр чорвачилик билан ҳам шуғулланади. Хўжалик чўпони Хушназар Саъдинов кун сайин эт олаётган юзта қўйнинг деярли барчаси кўзилаб бўлганидан хушнуд.

Деҳқонни деҳқон қиладиган, устани уста қиладиган нарсаси иш қуроли. Буни яхши тушунган хўжалик раиси кўл остидаги техникалар учун қишлоқ яқинидан қишки парк қурдирган. Балан солнинг айвон остида тракторлар, Россияда ишлаб чиқарилган «Алтай-Т-4А-01» маркали булдозер, комбайн турибди. Булардан ташқари, гаражда чизел қилиш, дори пуркаш, экиш техникаси, борона, плуг каби мосламаларнинг барчаси ишга шай ҳолатга келтириб қўйилган.

Ташрифимиздан хабар топган фермерни ҳам шу трактор паркида учратдик. У ёмғирдан кейинги фурсатни ганимат билиб, ғаллазорларга септириш учун минерал ўғитларни халталатаётган экан.

— Хўжалигимиз 2004 йилда ташкил этилган, — дейди Бахтиёр Мустафоев. — Ҳар йили пахта, ғалла ва пилла топшириш шартномасини биринчилардан бўлиб бажараяпмиз. Орттирган соф даромадимиз ҳисобидан ҳамда лизинг ёрда-

мида кетма-кет 6 та янги техника сотиб олдик.

Ўтган йили гузаримизга элтувчи йўлнинг ярмига шағал ташлатиб кўтартирдик. Ҳозир қарийб 4-5 километрлик масофада ўрта босимли линиядан қувур тортириб, аҳолини табиий газдан, қудуқ қаздириб тоза сувдан баҳраманд этишни мўлжаллаяпмиз.

35 йил аввал собиқ Ленин номли колхоз раиси Салим Ҳабибов ташаббуси билан Наврўзтепа атрофи боққа айлантирилган эди. Ҳозир эгасизликдан қуриб қолган дарахтлар қирқилиб, анча харобалашиб қолган. Агар имконият берилса, шу боғни қайтадан обод қилмоқчимиз.

Эл орасида яхшиликни қанча тез бажарсанг, шунча тез унут деган гап юради. Шунга амал қилган суҳбатдошимиз ҳам қишлоқдаги кам таъминланган оилаларга кўрсатаётган ёрдами хусусида эслашни ўзига эп кўрмади.

Биз гувоҳлик берган меҳнат зафарлари биргина Нарпай туманидаги «Азамат Шукуров» фермер хўжалигининг саноқли йилларда эришган натижалари, холос. Агар бу ўзгаришларни неча минглаб тadbиркорлар, деҳқону соҳибкорларнинг ютуқлари билан уйғунлаштириб айтадиган бўлсак, она диёримизнинг порлоқ истиқболи кўз олдимизда яққол намоён бўлади.

Мансур АЛОВУДИНОВ, «Ishonch» мухбири

«МЕНИНГ ЖИГИТ ВАҚТИМ»



**Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти, «Эл-юрт хурмати»
ордени лауреати, давлат мукофоти совриндори Байрам МАТЧОНОВ хузурида**

Қорақалпоқ халқи қадим-қадимдан санъатга ошуфта. Икки қорақалпоқ йигилган жойда, албатта, сөзу суҳбат авж олади. Тўй-тантаналар айтишувларсиз ўтмайди.

Байрам Матчонов 1940 йилда ана шу заминдаги санъатсевар оилада таваллуд топди.

— Отам Матчон Худойназаров — ўзбек йигити, Қорақалпоғистоннинг биринчи милиционерларидан бўлган. Касби қаттиққўлликни, босиқликни талаб қилганига қарамай дўстлар даврасида шўх, гурунчи эди. Най, дутор чаларди, — хотирлайди ҳофиз. — Онам эса қорақалпоқ аёли — Шаҳзода Сейдабулло қизи сўзга чечан, ҳазилкаш бўлган. Ашулани жуда чиройли айтарди. Ота-онам ўзаро суҳбатлашиб ўтирганда бетакрор драматик асар томоша қилгандек маза қиларди. Бу суҳбатлар қочиримларга, мақолу маталларга, Навоий, Ҳазрат, Огаҳий, Бердақ Ажиниёз ғазаларига шунчалик бой бўлардики, ота-онамнинг шунчалик кўп нарсани билишидан ҳайратланарди. Айтишларича, отамнинг оталари Худойназар бобо, уларнинг оталари Худойберган боболар ҳам Кўнғиротнинг зиёли инсонларидан бўлишган. Шунанга, санъатсевар, зиёга ташна аждодлар авлоди Байрамман мен. Байрам арафасида туғилганим учун шундай исм кўйишган. Журналистлар мени борган жойи байрам деб таърифлашни яхши кўришади.

Куш уясида кўрганини қилади, деб бежиз айтишмайди. Байрам ота-онасидан чечанликни ўрганди, шеърятга, санъатга меҳрни олди. Ўн икки ёшидан турли тадбиру тантаналарга кўшиқлари билан файз кирита бошлади.

Санъаткор ёшлигида хинд кўшиқларини куйлашни хуш кўрганини айтади.

— Раҳ Капурнинг деярли барча кўшиқларини ёд билардим, — дейди у. — Хатто «Дайди» деб лақаб ҳам ортирганман.

Байрам Матчоновни қорақалпоқ халқи юлдуз сифатида тан олганида у эндигина ўн етти ёшда эди.

— 1957 йили Москвада ёшлар ва талабалар фестивали бўлди, — эслайди Байрам оға. — Шу муносабат билан Қорақалпоғистонда ўтказилган фестивалда лауреат бўлдим. Ўшанда Фулом Абдураҳмоновнинг «Жон Ўзбекистон» кўшигини куйлагандим. Бу воқеа менинг кейинги тақдиримни ҳал қилиб қўйди.

Байрам Матчонов 1963 йили Маннон Уйғур номидаги театр ва рассомчилик институтини муваффақиятли тамомлагач, қорақалпоқ давлат филармониясига солист ва конференс бўлиб ишга кирди.

1964 йили Қорақалпоғистонда телевидение очилди. Бу пайтга келиб ёш санъаткор ўзининг яна бир истеъдодини — ташкилотчилик қобилиятини ҳам намоён қилиб улгурганди.

Ойнаи жаҳондаги чиқишларидан сўнг, 1965 йили уни телевидениеда режиссёр бўлиб ишлашга таклиф қилишди.

Байрам Матчонов режиссёр сифатида бир-бирдан зиёда кўрсатувларнинг эфир юзини кўришига ва халқ меҳрига сазовор бўлишига улуш қўшди. Кўп ўтмай уни Қорақалпоғистон телевидениесининг бош режиссёри қилиб тайинлашди. Бу жараёнда у ўзининг яна бир қиррасини — раҳбарлик истеъдодини намойиш қилди. Шу боис 30 ёшида унга телемарказ раҳбарлигини бемалол ишониб топширишди. Орадан бир йил ўтиб эса қорақалпоқ давлат филармониясига директор бўлди.

Санъаткор филармония раҳбари сифатида асосий эътиборни истеъдод соҳибларининг меҳнатини муносиб рағбатлантиришга, уларнинг баракали ижод қилиши учун имконият ярати беришга қаратди. Тамара Дўшумова, Гулпаршин Сиримбетова, Пўлат Мадрейимов каби санъаткорлар айнан ўша даврда шаклландилар. Отажон Худойшукуров «Аму тўлкини» ансамблини ташкил қилишида ҳам Байрам оғанинг хизмати катта бўлди. У кишининг ташаббуси билан яна симфоник оркестр ва «Қирқиз» эстрада-хореографик реву ташкил этилди. Бу ансамбллар бутун МДХ давлатларига машхур бўлди. Чет элларга гастроллари уюштирилди.

Давр талаби асосида 1978 — 1979-йилларда Қорақалпоғистонда ёш томошабинлар театри ташкил қилинди. Республика раҳбарлари Байрам Матчоновдан тажрибали раҳбар ва истеъдодли санъаткор сифатида ушбу театрни шакллантиришни сўрашди. Эзгу ишни таклиф қилишганда йўқ деб бўлармиди? Байрам Матчонов тез орада атрофига болаларни севувчи, улар учун сахна асарлари ёзувчи, сахналаштирувчи ва ролларни ишонarli қилиб ижро қилувчи истеъдод соҳибларини жамлади. Театр тез орада нафақат болалар, балки катталарнинг ҳам меҳрини қозониб улгурди. Мутахассислар ушбу театр бугун ҳам самарали фаолият кўрсатиб, бутун дунёга танилишида айнан Байрам Матчонов кўйган пойдеворнинг мустақамлиги билан боғлашади. Театр ўз йўлини топиб олгач, 1980 йили Байрам оға яна филармония раҳбари сифатидаги фаолиятини давом эттирди.

1987 йили қорақалпоқ санъати саҳифасида яна бир янги саҳифа очилди. Бердақ номидаги музика ва драма театрида биринчи қорақалпоқ операси намойиш этилди. Ибройим Юсупов шеъри, Нажмиддин Мухаммадинов музикаси асосида яратилган «Ажиниёз» операсини сахналаштиришга раҳбарлик қилиш масъулияти Байрам Матчонов зиммасига юклатилди. У театр директори қилиб тайинланди. Ушбу операнинг муваффақиятли намойиш қилинишида, шубҳасиз, муаллифлар қатори Байрам оғанинг

да муносиб улуши бор.

Байрам Матчонов 1989 йили филармонияга бадий раҳбар, 1992 йили Нукус шаҳар ҳокимининг ўринбосари қилиб тайинланди. 1995 йили эса уни маданият ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кенгашининг Қорақалпоғистондаги вакили этиб сайлашди.

— Қайси лавозимда ишлашимдан қатъи назар биринчи навбатда ўзимни санъаткор деб ҳисоблаганман ва элимга манзур кўшиқлар яратишга ҳаракат қилганман, — дейди Байрам оға.

У кишининг ижодий фаолияти ҳақида гап кетганида, аввало қорақалпоқ санъатига янги йўналиш олиб кирганини таъкидлаш жоиз. Хонанда европача классик музика асослар жўрлигида қорақалпоқ кўшиқларини куйлайди. У Бердақ, Ажиниёз, Ибройим Юсупов, Тўлибой Қобулов, Бойниёз Қайипназаров каби шоирлар шеърлари асосида Нажмиддин Мухаммадинов, Абдурайим Султонов, Нурмон Мусаев, Кенгесбой Абдуллаев, Худойберган Турдикулов яратган музикалар жўрлигида куйлаган «Ўзаллар», «Омонми?», «Фарзанд ҳақида баллада», «Менинг жигит вақтим, сенинг қиз вақтинг», «Мен дехқон ўғлиман» каби кўплаб кўшиқлар эл қалбидан жой олган.

«Менинг жигит вақтим, сенинг қиз вақтинг» Байрам оғанинг энг сеvimли кўшиқларидан. Қорақалпоқда бу кўшиқни ёддан билмайдиган кишини топиб бўлмайди. Санъаткор ҳозир ҳам шу кўшигини ҳаяжон билан куйлайди.

— Шу кўшиқни неча марта мухлисларга ижро қилиб бергансиз? — деган саволимизга жавобан ҳофиз энтикиб қўяди.

— Минглаб мартадир, бунисини аниқ билмайман. Лекин шуни аниқ айта оламаники, уни ҳар куйлаганимда ўн саккиз яшарлигимдаги ғайратим қайта жўшганини ҳис қиламан.

Ҳофиз ҳаётини, ижодини она диёрисиз тасаввур қилолмаслигини қайта-қайта таъкидларкан, қорақалпоқ санъати хусусида ҳам фидойилик билан сўз юрилади.

— Мустақиллик туфайли қорақалпоқ санъатига эътибор кучайди, — дейди Байрам Матчонов санъатда эришилаётган ютуқларни тўлқинлашиб тилга оларкан. — Кейинги йилларда кўплаб санъаткорларимиз меҳнати, иқтидори давлатимиз томонидан юксак баҳолашиб, унвонлар, мукофотлар билан тақдирланмоқда. Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, «Ниҳол» мукофоти совриндори бўлаётган қорақалпоқ санъаткорлари сафи йил сайин кенгаймоқда. Бу ғамхўрлик ўз навбатида зиммамизга масъулият ҳам юкламоқда. Эндиликда биз санъатимизни янада юксалтириш, уни дунёга танитиш имконига эга бўлдики, ундан фойдаланиш юрагида ўти бор, қалби қайноқ ҳар бир санъаткор учун фарз ва қарзидир.

Айни пайтда маданият ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кенгашининг Қорақалпоғистон вакилиги Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан ҳамкорликда аҳолига маданий хизмат кўрсатиш, оммавий тадбирларнинг сифатини яхшилаш, миллий урф-одатлар, қадриятларимиз асосида халқимиз, айниқса, ёшларимизнинг маънавиятини юксалтириш борасида қатор чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Шу билан бирга маданият ходимларининг халқаро майдонда истеъдодини намойиш қилишига имконият ярати бериш борасида ҳам бир мунча ишлар қилина-япти.

Дунё ҳамжамияти санъаткорларимизнинг чиқишларини қизгин қарши олаётганлиги, санъатимизга қизиқшининг тобора ортиб бораётганлиги бизни бу йўналишда янги изланишларга чорлаётир. Бугунги кунда чет эл матбуотида, интернет сайтиларида ўзбек ва қорақалпоқ санъати, маданияти ҳақида кўплаб мақола ва хабарларнинг чоп этилаётганлиги шундан далолат беради.

Байрам Матчоновнинг яна бир жиҳати — меҳрибон ота эканлигидир.

— Менимча оталик масъулияти катта қорхонага раҳбарлик қилишдан кам эмас, — дейди санъаткор. — Фарзандларимиз фақатгина бизнинг болаларимиз эмас, улар миллатнинг эртаси, жамиятнинг келажаги. Тарбияда буларни, албатта, инobatта олишимиз лозим.

Байрам оға турмуш ўртоғи, Қорақалпоғистон халқ ўқитувчиси Албина опа билан олти фарзандни оқ ювиб, оқ тарашди. Эндиликда уларнинг барчаси ажойиб мутахассис сифатида эл-юрт тараққиётига ҳисса қўшмоқдалар.

Ўғиллари Алишер — ирригатор, Тоҳир — ҳуқуқшунос, қизлари Лайло, Ойсанам — ўқитувчи, Шоҳиста — иқтисодчи. Дилбар ота қасбини давом эттиришга аҳд қилди. У Тошкентдаги санъат институтининг Нукус филиали ва Нукус санъат коллежида концертмейстер.

— Турмуш ўртоғим жуда чиройли лапар айтади, — дейди Байрам оға оиласи ҳақида гапираркан. — Фарзандларимнинг барчаси ўз яқинлари даврасида кўшиқ айтишни хуш кўради. Лайло қизим яхши пиано чалади. Мен улар билан фахрланаман, кичкина муваффақиятидан ҳам қувонаман.

Байрам Матчонов билан суҳбатлашиб, баъзиларнинг бахт бутун бўлмайди, ҳеч ким бахтлиман деб тўла айтолмайди, дейишлари ёлғонлигини кўрсатди. Бир халқнинг суюкли ўғли бўлиш, юртнинг тараққиётига улуш қўшиш, тинч ва тотув оила даврасида умр кечириб, атрофдагиларга меҳр улашиш ва улардан иззат кўриш, етмиш ёшда ҳам вужудингда, қалбингда йигитлик шижоатининг жўш уриши — буларнинг ҳаммаси улкан бахтнинг кўринишидир.

Муҳаббат ТўРАБОЕВА

Гипотиреоз кенг тарқалган эндокрин касалликлар қаторига киради. Йод етишмовчилиги бўлган шaroитда бу хасталикнинг аҳоли саломатлигига хавфли таъсири анча катта.

Сўнгги маълумотларга қараганда, қалқонсимон без фаолиятининг сусайиши, яъни биринчи гипотиреоз касаллиги ўсиб бормоқда. Гипотиреоз йод танқислигига чамбарчас боғлиқ бўлиб, унинг оғир асоратлари инсон организмга салбий таъсир кўрсатади ва меҳнат фаолиятини пасайтиради. Қон таркибидаги қалқонсимон без гормонларининг 96 фоиздан ортиги оқсиллар билан боғланган бўлиб, фаоллик кўрсатмайди. Уларнинг (эркин Т₃, эркин Т₄) 1 фоизи кам миқдорда эркин шаклда бўлиб, қалқонсимон безнинг биологик таъсири таъминлайди. Гипотиреоз ички аъзолар ва тўқималарда қалқонсимон без гормонларининг етишмаслиги натижасида вужудга келади.

Катталарда ҳаёт давомида орттирилган гипотиреознинг биринчи, иккинчи, учинчи хиллари бўлади. Қалқонсимон бездаги патологик жараён ва ўзгаришлар натижасида вужудга келадиган касаллик бирламчи гипотиреоз деб аталади. Гипотиреознинг кўп қисмини (90-95 фоиз) бирламчи гипотиреоз ташкил қилади.

Иккиламчи гипотиреоз кўпинча гипофизнинг шикастланишига (ўсма, авария, мия шикастланиши, ёрилиши, гипофизнинг туғма ривожланмаслик ҳолатлари) боғлиқдир. Учинчи гипотиреоз тиреолиберин ишлаб чиқарувчи марказларнинг бирламчи шикастланиши асосида ривожланади. Бир хил ҳолатларда гипотиреоз этнологиясини белгилаш мумкин бўлмайди.

Хасталикнинг клиник белгилари

Касаллик секин-аста ривожланади. Бўшашиш, кундузи уйқучанлик ва тунги уйқунинг бузилиши, секин ҳаракат қилиш, совқотиш, юз ва кўлларнинг шишиши, тана оғирлигининг кўтарилиши, соч тўкилиши, терининг қуруқ бўлиши, мушаклардаги огрик, хотиранинг пасайиши, қабзият, жинсий майл сусайиши ва умуман йўқолиши кузатилади. Аёлларда ҳайз циклининг бузилиши, бепарзандлик, белда узоқ вақт давомида кучли огрик пайдо бўлиши мумкин.

Умумий кўриниши

Гипотиреозга дучор бўлган беморларнинг умумий кўриниши бир хил бўлади. Уларнинг юзи катта, сарғиш оқарган, гоҳида яноқлар қизарган бўлади. Кўз тешиклари ингичка, баъзан чўкиб кетади. Кўз ялтйраши кўринмайди. Юқори ва пастки қовоқларда қонсимон шиш, лаблар, яноқлар катталаниши кузатилади.

Бир қатор ҳолатларда ўмров усти суяги атрофида ва панжада шиш пайдо бўлади. Бошқа касаллардан фарқ қилиб гипотиреозда шишган тўқималарни босганда чуқурлик қолмайди. Теридаги ўзгаришлар кўпинча гипоти-

реознинг ўрта ва оғир шаклларида учрайди.

Тери йўғон, кўпол, совуқ, қуруқ, оч сарғиш рангда бўлади. Бу ранг периферик қон айланиши секинлаши, камқонлик ва кератиннинг А витаминга айланиш тезлигининг пасайишига боғлиқдир. Беморларнинг совқотиши модда алмашинувининг паст бўлиши, терморегуляциянинг бузилишидан далолат беради. Тана ҳарорати пасаяди.

Кўпол трофик бузилиши ҳатто тери элементларида пайдо бўлади. Сочлар қуруқ бўлиб, тўкила бошлайди. Беморда қошнинг ташқи томони тўкилиб кетиши билан ифодаланади. Тирноқлар тез синадиган, йўл-йўл чиқиқча эга, хира ҳолатда бўлади.

Қон-томир системаси

Одатда юрак уриши минутага 60 зарбдан кам бўлади, бу ҳолат брадикардия деб аталади. Юрак мушагининг

овоз ўзгариши рўй беради, лекин кутиладиган овознинг очилиб кетиши кузатилмайди. Овоз дағал ва йўғонлигича қолади. Бу ҳолат бемор йигитда гипотиреоз касаллиги борасида шубҳа туғдиради. Ушбу касаллик ривожланаверса унинг асоратлари бемор нутқини бузиб юборади. Гипотиреознинг ўрта ва оғир шаклларида беморнинг гаплари секин, сўзлар ўртасида узун паузалар кузатилади. Бундай бемор билан гаплашиш қийин. Бемор эса бу ҳолатни тушунмайди, унинг фикрича у тўғри ва бурро-бурро гапираяпти-ю атрофдагилар уни яхши тушунишмаяпти.

Уйқу касаллигида бемор жумлаларни эўрга айтади. Бу ҳолат касалликнинг оғир шаклларида кучаяди. Тил ва лабнинг кескин шишиб кетиши нутқининг буткул бузилишига олиб келади. Бу беморнинг фаолиятига жиддий таъсир кўрсатади. У ўқитувчи,


ган омиллardan ҳисобланади.

Бўшашиш, уйқучанлик, зехннинг пасайиши кучаяди. Бир хил ҳолатларда, яъни оғир, узоқ муддат давом этган гипотиреозда психиканинги бузилиши психозгача етиши мумкин. Беморнинг баъзан боши оғрийдй, айланади, мияси шишади.

Ўрта қулоқ ва эшитув трубагининг катталаниши сабабли эшитиш қобилияти ёмонлашади. Касаллик оғирлашганда умумий эшитиш қобилияти кескин пасайиб кетади. Гоҳида бемор гапирётган одамни умуман эшита олмайди ва қоғозга ёзиб беринг деб талаб қилади.

захирасининг жуда камлиги зехнининг пасайганидан далолат беради. Ёш бола сўзларни ўзлаштира олмайди. Кўпинча имо-ишора, ҳаёки йўқ деб жавоб беради. Жинсий безларнинг бузилиши натижасида жинсий аъзолари кеч ривожланади.

Бундай болалар боғчага боришга қийналадилар, ўртоқлари билан тил топиша олмайдилар. Боғча ёшидан чиқиб мактаб ёшига етган болаларни ақли паст деб мактаб қабул қилмайди. Бу қарор оила аъзоларига руҳан қаттиқ таъсир қилади. Ёш бола сержаҳл, гапга кирмайдиган бўлади. Болани уриш,



Ишда ухлаб қоладиган киши



қисқариш хусусиятининг сусайиши тиреоид гормонлар танқислиги билан боғлиқ. Юрак чегаралари кенгайган, кўпинча бу юрак мушакларининг интерстициал шиши билан боғлиқдир.

Перикард бўшлиғида айрим ҳолларда суюқлик йиғилади. Лекин суюқликнинг секин кўпайиши сабабли сезилмайди.

Бир хил ҳолларда артериал гипертония кузатилади. Гипотиреозда кўп учрайдиган миокард модда алмашинувини ёмонлашиши, стенокардия ривожланишига сабабчи бўлиши мумкин.

Ухлаб қолиш одатига эга бўлган эркакларда кўп ҳолларда кучли атеросклероз, юрак шиллик касаллигининг ривожланиши билан кузатилган.

Нафас аъзолари

Бу хасталикда нафас аъзолари фаолияти сезиларли даражада бузилиши аниқланган. Овоз ўзгариши кузатилади, бунга ҳиқилдоқ бўғимларининг шишиб кетиши ва бир вақтда тил ва лабларнинг катталаниши сабаб бўлади.

Ўспиринларда учрайдиган уйқу касаллигида овоз тембри ўзгариб йигитларга хос

журналист, артист бўлса, касбини ўзгартиришга мажбур бўлади.

Гипотиреоз касаллигида беморларнинг бронхит ва пневмония хасталикларига мойиллиги кучаяди. Бу организмнинг ҳар хил юқумли касалликларга қаршилик кўрсатиш фаолиятининг пасайиши ва нафас аъзолари функциясининг ўзгариши билан боғлиқ. Бронхит, пневмония ривожланиши суст, сурункали кечади. Ҳарорат юқори бўлмаслиги шифокорлар учун жумбоқ бўлиб, кўпинча бундай беморлар пневмония, ўпка шамоллашини оёқда ўтказишади.

Ошқозон-ичак тракти

Уйқучан беморларда иштаҳанинг пасайиши кузатилади. Кўнгил айниш кучли қабзият билан кечади, бу эса ичак фаолияти сусайиши билан ифодаланади.

Ошқозон-ичак трактининг мушак тонуси пасайиши натижасида унинг ҳаракат функцияси сусаяди. Натижада ошқозон ва ичакларнинг кенгайиши пайдо бўлади. Оқибатда, паралитик ич ўтмаслик ҳолати, яъни қабзият юз беради.

Шишиб кетган тил оғиз бўшлиғига сиғмайди, бемор оғзини очиб юришга мажбур. Тил йўғонлашган ва шу сабабли унинг ён юзасида тиш излари пайдо бўлиб оғрийдй. Бунга инфекция тушиб яллиғланиш ҳосил бўлади ва бемор овқат истеъмол қилаётганда ноқулайлик сезади.

Асаб тизими ва руҳият

Марказий асаб тизимидаги ўзгаришлар энг кўп учрайди-

Беморнинг уйқучанлигига келсак, бу касалликнинг характери белгиси бўлиб, меҳнат фаолиятига катта зарар келтиради. Бундай беморлар станок, тикиш машинаси, токар ускунаси, компьютер, нозик ҳаракат қиладиган касблар (заргар, учувчи, наққош, телевизор тузатиш)да ишлаш олмайдилар. Чунки беморда аниқ ҳаракат тизими бузилади. Бундан ташқари, узоқ масофага кетаётган автомашина, автобус, енгил машина ҳайдовчиси бўлиб ишлаш хавфлидир. Негаки, беморни тўсатдан уйқу босиб, ҳалокат рўй бериши мумкин.

Болаларда касаллик белгилари

Болаларда эндокрин касалликлар ўртасида гипотиреоз энг кўп учрайди. Туғма гипотиреозда касаллик бола 6 ойлигидан бошлаб пайдо бўлади. Клиник белгиларидан характерлиси жисмоний ва ақлий ривожланишнинг орқада қолишидир. Чақалоқ кеч бошини ушлайди, ўтириши ва юриб кетиши, сут ва доимий тишларнинг чиқиши кечикади.

Қорни кўпинча катта, шишган бўлади. Бу эса чақалоқда сурункали қабзият борлигидан далолат беради. 2-3 кун болани ичи келмайди, қоринда огрик, ҳолсизлик, иштаҳанинги бузилиши кузатилади.

Табиий ҳолда болада суяк системасининг ривожланиши бузилади, буй ўсиши секинлашади. Шу сабабли лиқилдоқ кеч бекилади. Бир хил ҳолларда катта лиқилдоқ 8-10 см. гача очик ҳолатда бўлади. Бола кўп ухламайди, бу онани ташвишга солади. Боланинги тили кеч чиқади. Сўз

қаттиқ интизом талаб қилиш, дарсларга фаол қатнашиш, яхши баҳолар олишни талаб қилиш бефойда. Бола руҳан эзилади ва депрессияга учрайди, касаллик ривожланади.

Вояга етган беморларда бепуштлиқ, фарзандсизлик кўп учрайди.

Уйқучан одамларни даволаш

Асоратга эга бўлган ушбу хасталикни фақат мутахассис шифокор даволаши керак. Акс ҳолда хасталик беморнинг ҳаётига хавф солиши мумкин. Гипотиреознинг ўрта шаклларида беморларга оғир бўлмаган жисмоний ва нерв-психик фаолият тавсия қилинади. Бундай беморларга III гуруҳ ногиронлик бериш мумкин. Гипотиреознинг оғир шаклига эга бўлган беморлар умуман меҳнат қобилиятга эга эмас. Бир хил ҳолатларда бундай беморлар уйга олинган ишларни бажаришлари мумкин, у ҳам оддий, содда бўлиши ва психик зўриқиш ҳосил қилмаслиги керак.

Гипотиреозни даволашда тиреоид препаратларни қўллаш зарур. Дори ва унинг дозаларини шифокор эндокринолог айтиб беради. Даволаниш жараёнида шифокор назоратида бўлишингиз тавсия қилинади.

Гипотиреозга учраган аёлларни даволашнинг асосий усули консерватив усулдир. Ҳопиладорлик даврида гипотиреознинг давоси фақатгина хасталик белгиларини камайтиришдир. Бу она ва ҳомила учун фойдали.

Тоҳир ИБРОҲИМОВ,
тиббиёт фанлари
доктори, профессор

Жамоа шартномасида

Келишилганми?

Ҳуқуқий давлат қуришга интилиш жараёнида «ишдан бўшатиш» ёхуд «ишдан ҳайдаш» каби ҳақоратомуз жумлалар ўрнига «меҳнат шартномасини бекор қилиш» каби ҳуқуқий атама кириб келди. Меҳнат шартномасини бекор қилиш Меҳнат кодекси билан тартибга солинган бўлиб, унга риоя қилишга ходим ҳам, иш берувчи ҳам мажбурдир. Фақат ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахсина меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида буйруқ чиқара олади. Меҳнат кодекси (ё бошқа ҳуқуқий ҳужжат)нинг тегишли моддаси ва банди ёхуд меҳнат шартномасининг тегишли бандига ишора қилган ҳолда бу ҳужжат бекор қилинади ва албатта, буйруқ санаси кўрсатилади. Қонунда белгиланган муддатда меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйруқ нусхаси, йўриқномага биноан расмийлаштирилган меҳнат дафтарчаси собиқ ходимга берилади ва ҳисоб-китоб қилинади.

Тахририятга келатган шикоятларда «бошлиқ аризангни ёз, жўна!» деб ариза ёзишга мажбур қилди, деган гаплар учрайди. Бу шунчаки гап. Мажбурлаш каби ғайриқонуний ҳолат аниқ кўриниши керак. Шунинг учун суд бундай важни тан олмайди. Баъзан ақсинча бўлади. Иш берувчининг ноқонуний ҳаракати туфайли қизиққонлик билан ёзилган аризани суд меҳнат шартномасини мажбурий бекор қилиш деб ҳам тўғри талқин қилади.

Меҳнатга оид муносабатлар нафақат Меҳнат кодекси, балки жамоа шартномаси ва бошқа норматив ҳужжатлар билан ҳам тартибга солинади. Локал ҳужжатларга нописандлик билан қараш қатор ҳуқуқий чалкашликларга олиб келади.

2009 йил 16 январ куни тахририятимизга «Муборакнефтвазтранс» ОАЖнинг акциядорлари Иброҳим Ҳақбердиев, Зафар Аҳмедов, Бахтиёр Рустамовдан шикоят хати келди. Ҳужжатлар тўлиқ бўлмаганлиги боис фикр билдиришга қийналдик. Феврал ойида айрим қўшимча ҳужжатларни жўнатишди. И.Ҳақбердиевнинг даъвоси бўйича суднинг ҳал қилув қарорини олмаганлигимиз, қорхонада тузилган жамоа шартномаси билан танишмаганлигимиз фикр билдиришимизга панд берса-да, масала бироз ойдинлашди.

Воқеа 2005 йил октябр-декабрда содир бўлган. Суд И.Ҳақбердиевни ишга тиклабди, 1.700.000 сўм иш ҳақини ундириб берибди. Аммо... «Суднинг ҳал қилув қарорининг ижросини қорхонамиз таъминламади».

Изоҳлаймиз: МКнинг 273-моддасига кўра суднинг бундай қарори дарҳол ижро этилади. Ёхуд суднинг ҳужжати мажбурий ижрога қаратилиши мумкин. Қасддан бажармаслик учун эса, ЖКнинг 232-моддасида жиноий жавобгарлик кўзда тутилган.

Бошқаларга эса, суд қорхонадан зарарни ундириб берибди-ю, ишга тикламабди.

Фуқаролик ишлари бўйича Косон туманлараро суднинг 2005 йил 13 март куни Б.Рустамовнинг даъво аризаси бўйича чиқарган ҳал қилув қарорида шундай дейилади: «Суд даъвогар Б.Рустамов ўз хоҳиши билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида ариза берганлиги, ариза беришининг сабаби эса аҳамиятга эга эмаслигини, унинг қистовга олинганлиги ёки бирор кўринишда таъйиқ остига олинганини исботловчи ҳолатлар мавжуд бўлмаганлиги, қор-

хона Ички меҳнат тартиби қоидаларида ходимга меҳнат шартномаси бекор қилинишида меҳнат таътили берилиши назарда тутилганлиги, меҳнат таътили ва касаллик даври ҳам оғоҳлантириш муддатига киришини ҳамда даъвогар меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида оғоҳлантириш муддати ўтиб кетгандан сўнг ариза берганлиги сабабли унинг ишга тиклаш ҳақидаги даъво талабини асоссиз деб топиб, рад этишни лозим топди».

Майли, аммо суд МКнинг 152-моддаси 1-қисмини далил қилиб келтираркан, жамоа шартномасининг қайси бандида бу муносабат мустақамланганлиги ёки тарафлар қандай келишувга эришганини қайд этмайди.

Қизиқ, Б.Рустамовнинг тахририятга юборган ҳужжатлар ва қонунлардан кўчирмаларида ҳам суднинг қайси далилни инкор этмоқчи бўлганини билиш мушкул. Бунинг устига «ҳеч қайси судя менинг ишлаб турган лавозимимдан озод қилишингизни сўрайман деб ариза ёзганлигимни инобатга олмаяпти» деб ўзига қарши чиқади. Инобатга олгани учун ҳам «даъво талаблари асоссиз бўлгани учун рад этилсин» деган.

Кўриниб турибди, судя учун муҳими ходим ёзма равишда ўз хоҳишини изҳор этаётганлигидир.

Ўйлаб кўрайлик. Б.Рустамов ариза берапти: «Аризамнинг мазмуни шундан иборатки, менга 2 йиллик меҳнат таътилига чиқишга рухсат этишингизни сўрайман. Меҳнат таътилидан кейин ишлаб турган лавозимимдан озод қилишингизни сўрайман».

Имзо. 2005 йил 3 октябр». Керакли саналарни кўрсатмаяпти. Маъмурият сана қўйиб, 2005 йил 7 октябр куни 63-к сонли буйруқ чиқараяпти. Мазмуни шундай: «Рустамов Бахтиёр — 1-маҳсус колонна бошлиғига 2005 йил октябр ойининг 10-кунидан 2005 йил ноябр ойининг 16-кунига довр меҳнат таътили берилсин, меҳнат таътили тугаган кун (2005 йил 16 ноябр)дан меҳнат шартномаси бекор қилинсин».

Орада 9 кун даволанган. «Даволанган кунларимни ҳам қўшиб ҳисобласак, 28 ноябрда ишга чиқшим керак эди», деб шу куни ишда қолдиришни сўраб ариза ёзади. Таажуб!

Изоҳлаймиз: МКнинг 151-моддасига кўра, меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимга фойдаланилмаган барча йиллик асосий ва қўшимча таътиллари учун пулли компенсация тўланади. Аммо МКнинг 152-моддасига кўра, жамоа шартномасида ёки ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан ходимнинг хоҳишига кўра йиллик асосий ва қўшимча таътиллари бериб, ундан кейин меҳнат муносабатларини бекор қилиш ҳоллари назарда тутилиши мумкин. Бу ҳолда таътил тугаган кун меҳнат шартномаси бекор қилинган кун ҳисобланади. Ҳўш, жа-

моа шартномасида кўрсатилмаган бўлса-чи?

Ундай ҳолда МКнинг 99-моддасига кўра, агар оғоҳлантириш муддати тугагандан кейин ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинмаган ва меҳнат муносабати давом этаётган бўлса, ходимнинг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги ариза ўз кучини йўқотади, меҳнат шартномасини шу аризага мувофиқ бекор қилишга йўл қўйилмайди. Ариза 2005 йил 3 октябрда ёзилган, 17 октябрда оғоҳлантириш муддати тугаган, меҳнат шартномаси бекор қилинмаган, меҳнат муносабатлари давом этапти (таътилда бўлса ҳам), ариза ўз кучини йўқотди, бу ариза асосида меҳнат шартномасини бекор қилиш мумкин эмас.

Меҳнат шартномаси бекор қилинаётганда ходимнинг таътилни натура тарзида олиши жа-

Не гап, қонуннинг қув нозиклигини
Англашда қаргадек ақлимасман.

Улиям Шекспир

моа шартномасида аниқ ифодаланган бўлиши керак. Жамоа шартномасида белгиланмаган бўлса, ходим ва иш берувчи келишиши лозим. Бунинг учун ходим иш берувчига қуйидагича илтимос билан мурожаат қилиши зарур: «Ўз хоҳишим билан фалон кундан меҳнат шартномасини бекор қилишингизни ва фойдаланилмаган меҳнат таътилни натура тарзида беришингизни сўрайман».

Юқоридаги мисолдан кўриниб турибдики, баъзан иш берувчи ходимдан бошқача тарзда мурожаат қилишни талаб қилади: «Фалон кундан меҳнат таътили беришингизни, ундан сўнг ўз хоҳишим билан меҳнат шартномасини бекор қилишингизни сўрайман». Булар мутлақо бошқа-бошқа нарсалар. Бу ҳолда, агар меҳнат таътили давомийлиги қонунчиликда кўрсатилган икки ҳафталик муддатдан ошиб кетса, меҳнат шартномасини ўз хоҳиши билан бекор қилиш ноқонуний деб тан олинади. Бошқача айтганда, ходим шундай ариза билан мурожаат қилиб меҳнат таътилни (айтайлик, 24 иш куни) қонуний асосда олган бўлса, меҳнат шартномасини шу ариза асосида бекор қилиш мумкин эмас. Чунки ариза берилган кундан икки ҳафтадан сўнг ўзининг юридик кучини йўқотган бўлади. У меҳнат таътили тугашига икки ҳафта қолгандан олдинроқ меҳнат шартномасини бекор қилишни сўраб ариза билан мурожаат қилиши шарт.

Зафар Аҳмедовнинг даъво аризаси бўйича ҳам худди шу гап... Аммо...

Бизга тақдим этган ҳужжатига кўра, З.Аҳмедов ҳам худди шундай 2005 йил 26 октябр куни «...менга навбатдаги меҳнат таътилни бериб ва иш-

лаб турган лавозимимдан озод қилишингизни сўрайман» деб ариза берган кўринади. 2005 йил 21 октябр куни ОАЖнинг «Аҳмедов Зафар — 2-маҳсус колонна бошлиғига 2005 йил октябр ойининг 26-кунидан 2005 йил ноябр ойининг 28-кунига довр меҳнат таътили берилсин, меҳнат таътили тугаган кундан бошлаб (29.11.2005) меҳнат шартномаси бекор қилинсин» деган мазмунда буйруқ чиқаяпти.

Биринчи босқич суди ишга тикла-маса-да, меҳнат дафтарчасини бермаганлиги учун жавобгардан 735.584 сўм ундириш ҳақида қарор қабул қилган. Апелляция инстанцияси қарорни ўзгартириш қолдирапти. Шундан сўнг ҳам меҳнат дафтарчасини салкам уч ой мобайнида олмаганлиги учун судга даъво аризаси киритиб, яна 59.540 сўм мажбурий прогул ҳақи ва 50.000 сўм маънавий зарарни ундирапти. Бундан «тўғри бўшатишганман, фақат зарарни ундириб беринг» деган маъно чиқмайди? Суд қароридан Меҳнат кодексининг 112-(меҳнат шартномасини ғайриқонуний равишда бекор қилганлик учун иш берувчининг жавобгарлиги), 275-(ходимнинг пул ундиришга доир талабларини қондириш) моддалари келтирилади. Бунда 112-модда нега кўрсатилаяпти, тушунмадик. Қолгани, ўша-ўша гап.

Одатда, ходимнинг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишда 4 та юридик аҳамиятга молик ҳолат кузатилади:

— ходимнинг ҳақиқий иродасини ифода этганлиги;

— ходимнинг ёзма равишда ариза бериши;

— иш берувчининг оғоҳлантириш муддатига риоя қилиши;

— ходимнинг аризани қайтариб олиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш имконияти.

Биз келтирган мисолда, афсуски, бу муҳим ҳолатлар тўлиқ эътиборга олинмаган.

Маълумки, суднинг ҳал қилув қарори устидан 20 кун ичида апелляция, қонуний кучга кирган ва апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарори устидан эса бир йил ичида кассация шикоят берилиши мумкин. Назорат тартибида-чи?

Бу ўринда суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан уч йил ўтгандан сўнг берилган аризалар кўрилмаслигини эслатишининг ўзи етарли.

Довуд МАДИЕВ
Бош муҳаррир ўринбосари,
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт
бўлими мудири



Bolalar she'riyati She'r o'qib bering



Bolalar she'riyati necha zamonlardan buyon ularning tasavvur olamini yoritib, kengaytirib keladi. Bola badiiy narsalarni juda diqqat bilan eshitadi. Bolalar she'riyatida hikoya uslubini ko'proq qo'llangani bois ham bolaga dunyoni tanishida she'riyat muhim vositalardan biri sanaladi.

Bolalar shoiri Tursunboy Adashboyev she'rlarida ham bolalarga xos xarakterlar o'z ifodasini topgan. Masalan, «Bog'chada» she'rida ular bir-birlari bilan ayrim kasb egalari sifatida muloqotda bo'ladi:

Yulduz so'zlar uqtirib:
— Men bolalar do'xtiri.
Isitmangiz yo'q uncha,
Dori ichmang buguncha.
Poezd haydar Qahramon,
Ko'plar undan bahramand.
— **Yuklarni orting, ish ko'p,**
Taq-taq, pish-xo'p, pish-xo'p.
Nigoraning yo'q tinchi,
Bugun u magazinchi.

«Qo'g'irchog'in avaylab» she'rida jajji qizcha o'z tasavvurida onalik vazifasini bajarayotgani kuzatiladi. Qizcha ariqdan sakrab o'tayotib toyib ketadi, keyin darrov o'rnidan turib, qo'g'irchog'ini ovutishga tushadi:

— **Voy, qattiq yiqildingmi,**
Ko'zlari munchoqqinam?
Boshing toshga tegdimi,
Yig'lama oppoqqinam...

Bolalarning tabiat, atrof-olam haqida, tabiat jismlari haqida o'z o'y-fikrlari, tasavvurlari bor. Masalan, «Quyosh qayga botadi?» she'rida shahar va qishloq

bolasining o'ziga xos tasavvur yo'sini aks ettiriladi. Qishloq bolasi quyoshni tog'ning ortiga, shahar bolasi esa ko'p qavatli uyning ortiga botadi, deb o'ylaydi.

«Oy» she'rida esa, shoir bolalarning oy haqidagi tasavvurlarini go'zal chizib beradi:

Paydo bo'ldi to'lin oy
Ko'kning yuksak tagida.
U qayoqdan kelgani
Tinchlik bermas Boqiga:
— **Oy emasdir, balki u**
Oyim yopgan zog'ora.

Bolalar bilan suhbatlashayotganda kattalar ham ularning bola tasavvurlarini chalg'itmaydi. «Momosi der: — Nabiram, bu ulkan mis tog'ora», bobosi der: «...oy emas, u men ekkan xandajak». «Singlisi der qizishib: — Yo'q, u mening chirmandam!» Nihoyat bolakay oy haqida o'zi xulosa qiladi:

Bu asossiz tortishuv
Alam qildi Boqiga:
— **U to'p edi, bir tepsam,**
Ilindi ko'k toqiga.

Bunday misralarni shoir ijodida juda ko'plab kuzatish mumkin.

Sevimli bolalar shoiri Tursunboy Adashboyev yaqinda 70 yoshni qarshi oldi. Shoirmi tabarruk ayyomi bilan muborakbod etamiz.

Farzandlaringizga, albatta, uning kitoblaridan olib bering!

Ruxsora TO'LABOYEVA,
O'zMU aspiranti

Jumboq

G'AROYIB HAYKALCHALAR

Qadim zamonda bir ota o'g'liga uchta bir xil ko'rinishdagi haykalchani berib:

— O'g'lim, mana sen olim bo'lish uchun o'qiyapsan. Sendan ushbu haykalchalarning bir-biridan qanday farq qilishi va qaysi biri eng qimmatli ekanini aniqlab berishingni so'rayman, — debdi.

O'g'li haykalchalarni qattiq tekshiribdi, ammo hech bir farqni ko'ra olmabdi va ustoziga olib boribdi. Ustozi haykalchalarni ko'rib birining ikki qulog'i, ikkinchisining ikki qulog'i va og'zi teshik ekanini, uchinchisining ham ikki qulog'i teshikligini ko'ribdi. Kichik bir cho'pni olib birinchisining qulog'idan tiqsa, ikkinchi qulog'idan chiqibdi. Ikkinchisining ikkala qulog'idan ham cho'pni suqib ko'rsa, og'zidan chiqibdi. Uchinchingi qaysi qulog'idan cho'p suqsa ham ichiga tushib ketaveribdi. Shundan so'ng ustoziga unga bu haykalchalardan qaysi biri qimmatli ekanini aytibdi.

Aziz bolajoni! Sizningcha, eng qimmat haykalcha qaysi va nima uchun? Javobingizni kutamiz.

Topishmoqlar


1. Bahorda ochib quchoq, Ko'kka soldi arg'imchoq.
2. Nimagadir kalta dum, Burun o'rnida xartum. Yo'lda uchrar neki bil, Pisand emas, xo'sh u?...
3. Yo'l-yo'l ko'ylak egnida, Shamoldek tez yeladi. Yashar dashtlar qo'ynida Nomini kim biladi?

V. KURASOV

Zukko

Kim tez topadi?

1. Birdan yuzgacha bo'lgan raqamlarda necha marta 1 raqami yoziladi, og'zaki aytilganda-chi?
2. To'rt burchak taxtaning bitta burchagi kesib tashlansa, unda nechta burchak qoladi?
3. Tipratikan 1,5 metr teridan bitta telpak tikdi. U sakkizta telpak tikishi uchun qancha teri kerak?
4. Bobodan yoshi nechadalgisi so'ralganda «Bir oylik nabiramdan 900 marta kattaman» deb javob berdi. Aytinch, u necha yoshda?




Latifa

Dastak

Eshik yonida turgan bolakay qo'shni amakini ko'rib qoldi:

- Amakijon, mana shu eshikni ochib bering.
- Eshikni ochib bergach, amaki bolani erkaladi:
- Yaqinda o'zing katta yigit bo'lib eshikni ham ocha olasan.
- To'g'ri, — dedi bola. — O'shanda dastaging bo'yog'i ham qurigan bo'ladi.



Bo'sh kataklarga kerakli sonlarni qo'ying!

Rivoyat

D unyo yaratilgandan boshlab yaqin-yaqinlargacha barcha qushlar bir oila bo'lib yashar ekan. Qayerga borsalar birga yurar, birortasining madori qurib qolsa, boshqalari unga poyloqchilik qilib turishar ekan.

Ittifoqo, ular bir kuni ochiq maydonda sochilib yotgan don-dunlarga duch kelib qolishibdi.

— Tezroq qo'naylik, — debdi chumchuq.
— Shoshmaylik, bu bir tuzoq bo'lishi mumkin! — debdi kabutar.

— Nima bo'lsa ham qornimiz ochdi, biz qo'namiz, — deyishibdi qarg'alar.
Boshqa qushlar do'stlarini xafa qilmaslik uchun birga qo'nibdi. Ammo donlarni ataylab sepib qo'ygan ovchining to'ri barcha qushlarni tutib qolibdi. Tuzoqqa tushgan qushlar



Qushlar

Jon achchig'ida har tarafga ucha boshlabdi. Lekin to'rdan xolos bo'la olishmabdi. Shunda aqli qush — Semurg':

— Ey, do'stlarim! Hammamiz birgalashib baravar osmonga ko'tarilsak ucha olamiz, — debdi.

Qushlar birlashib, baravar qanot qoqib to'r bilan osmonga uchishibdi. Ular ancha uzoqlashib ketgach, tovus bilan qarg'a urishib qolibdi.

— Sendagi qanot va dum aslida meniki bo'lishi kerak, — debdi qarg'a. — Chunki men chiroyli oyoqlarimga mahliyo bo'lib turganimda sen o'g'irlab qo'ygansan!

— Yo'q, o'sha go'zal oyoqlar aslida meniki bo'lgan! — debdi tovus.

Qushlarning noahil bo'lib qolganidan xafa bo'lgan Semurg' bir zumga qanot qoqmay qo'yibdi. Shunda o'z og'irigi sabab, qanotlari to'rdan chiqib, o'zi yerga tushib keta boshlabdi. Boshqa qushlar uni o'ldiga chiqaribdi. Ammo u yerga yetmay yana qanot qoqibdi-yu, noma'lum tomonga uchib ketibdi.

Qushlar esa janjallashaverib, yergacha tushibdi va ortidan poylab kelgan ovchining qo'lga tushibdi.

Bu rivoyatdan xulosa shuki, behuda bahslashuv, noahillik hammani tuzoqqa tushiradi. Shuning uchun bir-biringiz bilan hech ham janjal qilmangiz!

Mohichehra AVAZOVA



(Давоми.
Боши 24-сонда)

Йил адоғида конкурс ҳайъатининг қарори билан журналда эълон қилинган ва энг баркамол деб топилган асарларнинг муаллифлари «Сурхон»нинг биринчи лауреатлари бўлишди.

Эзда тақдимот маросимини ўтказиш учун лауреатларни эргаштириб Сурхон воҳасига жўнадик. Пирмат аканинг ўзи сафарбоши бўлди.

Тақдимот совхознинг маданият саройида ўтди. Бундай ҳашаматли сарой унча-мунча шаҳарда йўқ. Одам кўплицадан шундай катта сарой торлик қилиб қолди.

Баҳс-мунозарага, мушоирага айланиб кетган тақдимот кечга довр давом этди. Меҳнат аҳли меҳмонларни хилма-хил саволларга кўмиб ташлашди. Мамлакатдаги иқтисодий адолатсизликларга доир саволлар берилгани ҳам эсимда.

Тақдимотдан сўнг совхоз меҳмонхонасига борилди. Меҳмонхона тўрт тарафи ямшиш боғ-роғларга бурканган адирнинг энг баланд нуқтасида — катта ҳовуз бўйида эди. Ҳовузга нариги уч олис Амударёга туташган улкан қувурдан шарқираб сув тушиб турар, муздай зарралари денгиз бўйидаги сингари роҳатбахш эди. Атроф кафтдагидек кўришиб турарди. Тартиб билан экилган боғларнинг шохлари ҳосиллини кўтаролмай эгилиб ётарди. Иссиқхоналарда етиштирилган лимонларнинг тилладек товланиши кўзни қувонтиради. Тошкентлик меҳмонларнинг аксарияти ўшанда биринчи марта Ўзбекистон шароитида ўстирилаётган хурмо дарахтларини кўриб ҳайрон қолган эдилар.

Ҳовуз саҳнининг ярмини қоплаб олган темир чорподаги суҳбат непаллагача давом этди.

Пирмат аканинг ҳар оқшом ётиш олдида бир соат-ярим соат пиёда юришини билардим. «Пиёда юришнинг фойдаси жуда кўп, — дерди устоз. — Жан Жак Руссо: «Юриш ҳамма вақт фикрларимни жонлантиради ва руҳлантиради», — деган. Пушкин эса: «Асарлар устида ўйлаётганда бир текисда кадам ташлаб юриш мароқлидир», — дейди».

Бошқалар ухлагача ётган, биргаликда боғни айландик.

Кордек оппоқ кеча эди. Одамларнинг югур-югури, трактор-машиналарнинг кундузги шовқин-суронлари тинган; чигирткаларнинг чириллаши-ю япроқларнинг тунги шабадада сирли шитирла-

ши аралаш фарахбахш сокинлик кучоқлаб ётарди адирни. Пирмат акани таниганимдан буён биринчи марта мана шундай сеҳрли оқшом кўйида ёнма-ён, чин дилдан суҳбатлашимиз эди. Пирмат ака бугунги учрашув таассуротлари, эртанги кун ре-

жалари тўғрисида гапиргандан кейин тахририятда янги кўлэмалар кўпайиб қолгани, аммо уларнинг кўпидан инсон қолиб ижтимоий-сиёсий муаммоларни кўтариш биринчи планга чиқиб кетаётганига ачинди. «Адабиётнинг руҳий дунё кўзгуси бўлиш ўрнига мафкуравий буюртма ижрочисига айланиб қолиши тубсиз фожиа, — деб таъкидлади. — Шу мавзуда мунозара таш-

кўринади. Аслида эса жасур ва дангал, тўғри ва ҳалол, садоқатли ва ҳушёр, чуқур илмли. У «Шарқ юлдузи»га бош муҳаррир бўлиб келганидан кейин журнал қиёфаси, мазмуни батамом ўзгарди. Адабиётда воқеа бўлган асарлар босилди. Унча-мунча редактор ботинолмайди бунга. Тезоқар сокин дарёга ўхшайди у...»

Хуллас, «Сурхон» мукофоти баҳона ўнлаб ижодкорлар Сурхон воҳасига бордилар, сурхондарёликлар билан учрашдилар, дўстлашдилар, дала-дашларини кездилар. Алал-оқибат, табиий суратда янги асарлар пайдо бўлишига замин ҳозирланди. Аммо йиллар ўтди, замон айланди, «Сурхон» ҳам аста-секин қумга синггандай йўқолиб кетди...

IV

Шароф Рашидов вафотидан сўнг бир муддат Ўзбекистон ҳукумати манкуртлар галаси кўлида қолгани ҳали ҳеч кимнинг ёдидан кўтарилган

кил этишимиз керак. Атоқли адибларни, олимларни чақирамиз. Айрим ордендор ёзувчилар: «Менинг фамилиям нега фалончикидан кейин ёзилди?» — дея майдакашлик қилиб, бошқаларнинг асабига тегиш ўрнига савобли масалада бош қотиришсин, тўғрими?». Кейин номдор ёзувчилардан бири журналда чиққан мақолада фамилияси икки кишидан кейин санаб ўтилганидан норози бўлиб, давлат раҳбарига арз қилганини эслаб хафа бўлди.

Суҳбатимиз самимий давом этаётганидан фойдаланиб, «эҳтиёткор» деган сўзга аниқлик киритгим келди:

— Баъзилар орқаваротдан сизни «жуда эҳтиёткор» деб таъна қилишад...

— Биладан, — самимий кулди устоз. — Айрим ёшлар битта асар билан жамиятнинг авра-астарини ағдариб ташламоқчи бўлади. Талантли, аммо ҳали мўрт, сиёсий ўйинлардан беҳабар... Мен иқтидорли ёшлар эҳтирос қурбони бўлиб қолишдан чўчийман. Улар яратилаётган ҳар битта асарни ўнлаб кўзлар қора кўзойнак остида тафтиш қилиб ўтирганини билишмайди!

— Ҳамма тўғри тушунавермайди...

— Масала кимнинг қандай тушунишида эмас — бурчда!

Уша суҳбат ҳамон ёдимда. Пирмат ака Марказқўмда ишлаб найрангбоз шўро мафкурасининг шафқатсизликларини ўз кўзи билан кўрган; у шўроларга югурдаклар, «лаббайчи»лар кўпроқ кераклигини яхши билар, билгани учун ҳам талантларни эҳтиётлаш йўлини изларди. Ардоқли адиб Одил Ёқубов ҳам бир суҳбатида айнан шундай фикрни таъкидлаган эди. «Пирматжон сиртдан эҳтиёткордек

га журналнинг бир йиллик маблағим етмайди-ку! — деб юборибман.

— Бу билан нима демокчисан! — ўшқирди инструктор. — Туширмасдан илгари кўзларинг қаяқда эди? Харажатни пешлайсан? Етмас, миллионер редакторинг тўлайди!..

Орқага қайтаётиб Пирмат аканинг бошида айланаётган қуюн янаям қуюқлашиб бо-раётганини сезиб, ич-ичимдан эзилдим...

«Миллионер редактор»нинг турмуши менга маълум: «Бирлик» даҳасидаги кичкина ҳовлида жўжабирдай жон тикилиб яшайди, ортиқча ҳашамсиз, содда ва камтарона ҳаёт кечиради. Ойлик маошидан бошқа қинғир-қийшиқ тирикчилиги йўқ. Пули тугаб қолган пайтларда шофёрни юбориб, «думба-жигар» (тўрт тийинлик перашка) олиб келиб шу билан тушлик қилади...

Редакцияга келсам, бош муҳаррир ўринбосари Худойберди Тўхтабоев коридорда папирос чекиб, у ёқдан бу ёққа юриб турган экан.

— Ҳаяллаб кетдингиз,

неча бет таҳрир қилиб, қанча кўлэзма ўқидисигача — ҳамма-ҳаммасини ёзиб, ҳар куни тепага «маълумот» жўнатишгача бориб етди. Коридорга совуқ суқунат иниб, хоналардан эшитилиб турадиган ҳазил-хузуллар қаймайди, муаллифларнинг қадами сийракланди. Пирмат ака эса ҳар доимгидек бардам ва дадил, ҳеч нима билмагандек журнал ташвишлари билан овора эди. Фақат баъзида ишдан кетаётиб, хонаси ва ундаги сейфнинг калитини менда қолдирарди: «Эрталаб бир жойга кириб чиқадиган ишим бор, керак бўлиб қолса, қидириб юрманглар». Бу манзара «Шарқ юлдузи» журналининг ижодий фаолияти Марказқўм бюросида муҳокама қилиниб, Пирмат Шермухамедов ўз аризасига кўра бош муҳаррир вазифасидан бўшатишгунча давом этди...

Тезоқар сокин дарё

эмас.

Бу қора кунлар тўғрисида, хусусан, «Пахта иши» мавзусида оз бўлса-да, ёзилди. Аммо зиёлилар кўрган азоблар ҳали таҳлил қилинган эмас. Бир неча матбуот нашрлари қаторида «шўровий мафкурага зид асарлар» чоп этган «Шарқ юлдузи» журнали ва унинг бош муҳаррири Пирмат Шермухамедов ҳам биринчилардан бўлиб тафтиш нишонига айланди. Текшир-текшир авжланди. Марказқўмдагилар журналнинг ҳар саҳифасини ўқиб, имзоламагунча чоп этишга рухсат йўқ. Журналнинг ҳар бир сонини иккинчи корректурадан кейин у ёққа олиб бориб «ўқитиб» келиш масъул котибга, яъни менга юкланган.

Ҳеч эсимдан чиқмайди. Баҳор кунларининг бири эди. Навбатдаги соннинг иккинчи корректурасини опкелгани бордим. Филайқўз инструктор корректурани столга ёйиб қўйиб томоша қилиб ўтирган экан. Мени кўриб асаби кўзиди:

— Бу нима? — деди ўтирган жойида бир кўтарилиб тушиб. — Қип-қизил майна-возчилик-ку, а, оғайни! Ўқиб бўлмайди-я! Тоқайгача шалтоқларингни тозалайман. Қиладиган бошқа ишим йўқми?

У зарда билан қоғозларни олдимга сурди. Саҳифаларнинг аҳволини кўриб ҳушим бошимдан учиб кетди: худди иккичи ўқувчининг иншо дафтаридай қип-қизил қилиб бўяб ташланган эди. Иккинчи корректурадан кейин босмахонага тўланадиган жарима баҳоси жуда баланд бўлганидан қутқуга тушиб:

— Бу хатоларни тузатиш-

тинчилики? — деди Худойберди ака. — Журнал кечикиб кетди. Графикдан чиқиб кетаяпмиз. Штрафга кўмилиб қоламиз-ку!

Изоҳ бериш ортиқча эди. Папкани очиб, лоларанг саҳифаларни кўрсатдим. Худойберди ака шатир-шутур қилиб варақлай-варақлай, охирига етганда менга қараб қолди:

— Бу нима?

— Ботирми, Ботирхонми аниқлашимиз зарур экан. Худо, домла, хон каби эски сўзларни ҳам битта қўймай териб ташланглар дейишди. Ундан кейин...

— Мен нима қилдим?! — деб юборди Худойберди ака гапимни чўрт кесиб.

— Тузатишимиз керак, — дедим ташвишини тушунмай.

— Менинг отим Худойберди-ку, шуни тушунаясизми?

Қассобга мой қайғуси, эчкига жон деганларидек Худойберди аканинг ташвиши менга энди етиб келди: навбатдаги сонда унинг янги романи бошлангани керак эди. «Пик» этиб қулиб юборганимни билмай қолибман:

— Кўпга келган тўй-да, Худойберди ака, нимаям дердик, — дедим хатомни тузатган бўлиб.

Худойберди ака «қандай кунларга қолдик» дегандай ўйга чўмди.

V

Пирмат Шермухамедов яна неча «объяснительное» ёзди — ўзи билди. Аммо тафтишлар шу даражага етдики, юқоридан юборилган вакил эртдан-кечгача тахририятда ўтириб ким қачон ишга келиб, қачон кетди-ю, кун бўйи

Пирмат ака елкасидан босиб ётган тоғдан қутулган одам каби бутун вужуди билан ижодга шўнғиди. Адабий жараён, бадиий маҳорат, болалар адабиёти муаммолари бўйича ўнлаб таҳлилий мақолалар битди. Тарихни, улуғ аждодларимизнинг ҳаётини ўрганди. Муҳаммад Хоразмий, Хоразм маликаси, Мирзо Улуғбекнинг қизи Робия Султонбегим ҳақида бади-қиссалар ёзди. Ўнлаб шогирдларининг кандидатлик ва докторлик ишларига илмий раҳбарлик қилди.

Устоз билан тез-тез кўришиб турадим. Учрашув-гурунгларга ҳеч қачон қуруқ қўл билан келмайди. Янги қисса ёки ҳикояни тугатган, жамият ё табиат муаммолари тўғрисида публицистик мақола ёзган, ҳеч бўлмаса қайси-дир адибнинг асарига тақриз битган бўлади.

Яқинда Пирмат ака билан кўришдик.


— Беруний ҳаёти ва илмий фаолиятига бағишланган «Даҳонинг тугилиши ёхуд Абу Райҳон Беруний қисмати» романини тугатдим, — деди устоз. — Шу кунларда Маҳмуд Замахшарий тўғрисидаги роман билан овора бўлиб юрибман. Худо қувват берса, бу ишни тугатгандан кейин, Форобий ҳақида роман бошлайман. Материалларни тўглаб қўйдим...

Тез ва сокин дарё тўлиб-тошиб оқиб ётганидан кўнглим тоғдай кўтарилди.

Абдусанд КҮЧИМОВ
21.10.2008

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ КЕНГАШИ

Мунис опа-сингилларимиз,
муътабар онахонларимизни
8 Март — Халқаро
хотин-қизлар кунини
муносабати билан
самимий табриклайди!



Хаётимиз гули
бўлмиш аёлларимиз
бахтимизга соғ-омон,
бахтли-саодатли
бўлишларини
тилайди!

◆ Долзарб мавзу

«Лондон — 2012» сари биринчи қадам



Чирчиқ Олимпия захиралари коллежи директори, Республика Олимпия захиралари коллежлари Кенгаши раиси, халқаро тоифадаги спорт устаси, педагогика фанлари номзоди Эркин Қодиров билан маҳоратли спортчилар тайёрлашга оид бугунги кун талаблари ва муаммолари хусусида суҳбатлашдик.

— Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Конституциясининг 16 йиллигига бағишланган йилгилишда спортчиларимизнинг Пекин Олимпиадасидаги натижаларига юқори баҳо бериб, 2012 йил Лондонда ўтайдиган XXX Олимпия ўйинларида медалларимиз сони икки баравар ошишига умид билдирди. — **дея сўз бошлади суҳбатдошимиз.** — Ҳозирги кунда республикамизнинг ҳар бир вилоятида Олимпия захиралари коллежлари иш олиб борапти ва уларнинг асосий вазифаси терма жамоаларга муносиб ўринбосарлар тайёрлаб беришдан иборат. Очигини айтишим керак, республикамиздаги Олимпия захиралари коллежлари учун яратиб берилган шароитлар ҳеч қачонда йўқ. Шундай экан, коллеж ўқувчисининг натижаси оддий спорт мактабида шуғулланаётган спортчиликдан бир неча баравар юқори бўлиши шарт.

Ҳаммамизга маълумки, спортчиларимиз Пекинда ўтган ёзи Олимпия ўйинларида муносиб қатнашди. Пекинда ёш спортчиларимиз Ришод Собиров, Екатерина Хилко, Антон Фокин, Вадим Менков юқори ўринларни эгаллаган бўлса, енгил атлетикачи Бобур Шокиржонов (республика Олимпия захиралари коллежи талабаси), спорт гимнастикчимиз Луиза Галиуллина маҳоратли лаппояларидан дадил одимлаётганликларини исботлашди. Дзюдочилар Мирали Шарипов, Шокир Мўминов, байдарка ва каноэда эшак эшиш устаси Вадим Менков, оғир атлетикачи Шерзод Юсупов, — улар ўз вақтида Чирчиқ Олимпия захиралари коллежида спорт маҳоратларини оширишгани дилда ифтихор туйғусини уйғотади.

— **Пекин Олимпиадаси ниятисига етиши биланок, Лондон шаҳрида бўладиган XXX ёзи Олимпиадага муносиб ҳозирлик кўриш бўйича Президентимиз Фармони чиқди. Демак, тўрт йилдан сўнг бўладиган нуфузли спорт анжуманига тайёргарлик бугундан бошланди...**

— Авваламбор айтишимиз жозики, Лондонда ватанимиз шарафини ҳимоя этайдиган спорт-

чиларни терма жамоалардан қидириш керак эмас. Олимпиячилар орамизда, коллежларда. Бунга мисоллар кўп. Республика Олимпия захиралари коллежида қитъа чемпионлигини қўлга киритган юнон-рум кураши усталари, оғир атлетикачилар, кураш бўйича жаҳон чемпионлари бор. Тошкент шаҳри, Чирчиқ, Андижон, Самарқанд, Урганчда ҳам иқтидорлилар сероб. Агар ҳар бир коллежда камида уч-тўрт нафардан энг ёрқин истеъдод бор, деб тахмин қилсак, демак, республикадаги 13 та Олимпия захиралари коллежидан 2012 йил Лондон Олимпиадасига йўланма оладиган камида 40-50 нафар маҳоратли спортчини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Бунинг учун уларни тоблашга бугундан киришиш даркор. 1993-94 йилларда туғилган спортчиларимиз 2010 йили Сингапур давлатида ўтайдиган Бутунжаҳон ёшлар Олимпиадасига боришади. Шунингдек, Хитойда XVI Осиё ўйинлари ҳам ўтказилади. 2011 йили Термизда «Баркамол авлод» спорт мусобақалари режалаштирилган. 2012 йилда эса Лондонда Олимпиада ўйинлари.

Олдиндаги нуфузли мусобақаларга пухта ҳозирлик кўриш учун Чирчиқ Олимпия захиралари коллежи бокс бўлими бош мураббийлигига таниқли спортчи Рустам Саидовни тахлиф қилдик. Оғир атлетика бўйича республикадаги кучли мутахассислардан Анвар Хўжаев иш бошлади. Эшак эшиш бўйича Рашид Мусаев бош мураббийлигида ёшларимиз юқори натижалар кўрсатяпти. Таҳрибали дзюдо мураббийи Сервер Мурадасиловни Лондон Олимпиадасига спортчилар тайёрлаш учун сарфарбар қилдик.

Юртимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб, миллат генофондини асраш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, олимпия захиралари коллежларида мутахассислик бўйича спорт машғулоти самарадорлигини ошириш, иқтидорли спортчиларни саралаш ҳамда юқори малакали

мутахассисларни тайёрлаш долзарб масалалардан ҳисобланади. Шу боисдан, замонавий спорт мусобақаларида ўзаро рақобатнинг кескинлашуви ва спорт натижаларининг тўхтовсиз ўсиб бориши ўқув-машғулот жараёнига янгича илмий назар билан ёндошишни тақозо этади. Юксак маҳорат, кенг ва психофункционал имкониятларга эга ёш, иқтидорли ҳамда рақобатбардош спортчиларни тайёрлаш муаммоси муқобил ва самарадор педагогик технологияларни ишлаб чиқиш заруриятини кучайтирмақда.

Яқинда Урганч шаҳрида республикадаги олимпия захиралари ва спорт коллежлари раҳбарлари ҳамда мутасадди вазирликлар вакиллари иштирокида семинар бўлиб ўтди ва унда Лондон Олимпиадасига пухта тайёргарлик кўриш асосий вазифа сифатида белгиланди.

— **Сизнингча, мураббийларимиз замонавий спортга замон билан ҳамнафас ёндошяптими?**

— Тўла ёндошяпти, деб айтмайман. Изланишимиз, ишлашимиз керак. Ватан довуғини дунёга ёйиш, улуглаш, ватанпарварлик тилимизда, дилимизда бор. Энди уни амалда исботлаш керак.

— **Спортда тиббиёт ҳам муҳим ўрин тутаяди. Бизда бу борада имкониятлар қандай?**

— Ривожланган давлатлар таҳрибасини кузатсак, улар ҳар битта тур бўйича спорт психологи, тиббиёти ва фани бўйича кучли мутахассисларга суяниб иш кўради. Дарҳақиқат, спорт турлари учун алоҳида руҳшунос зарур. Спорт тиббиётини, психологиясини, машғулотлар жараёнларини илмий асослаб, уларни умумлаштирган ҳолда олиб бориш учун бизда барча шароитлар бор. Фақат бу борада янада кўпроқ меҳнат қилиш, изланиш лозим.

Юрт довуғини дунёга ёйдиган моҳир спортчиларни тарбиялаб, халқро майдонларда Ўзбекистон шаънини ҳимоя қилишига ҳисса қўшиш — бу биз спорт мутахассислари олдига қўйилган талабдир.

Акмал АБДИЕВ
суҳбатлашди

Катта теннисга йўл

Ўзбекистон савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касба уюшмаси Марказий кенгашининг Хоразм вилоят вакиллиги томонидан уюштирилган катта теннис мусобақасида 45 нафарга яқин соҳа ходимлари жуфтлик ва якка тартибда куч синашдилар.

Жуфтлик баҳсларида биринчи ўринни Эркин Нурмаматов ва Фуломбой Абдалиёзов, иккинчи ўринни Абдуолим Қутлиев ва Равшанбек Ғойибовлар, учинчи ўринни Олимбой Бекчонов ва Ботир Бекназаровлар қўлга киритган бўлса, якка тартибдаги баҳсларда биринчи ўрин Гулрух Каримовага, иккинчи

ўрин Муниса Бекчонов ва учинчи ўрин Лариса Бекметовага насиб этди.

— Катта теннис спортнинг энг гўзал турларидан бири, — дейди Ўзбекистон савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касба уюшмаси Марказий кенгашининг Хоразм вилоятидаги вакили Бахтиёр Ибрагимов. — У кишига нафақат жисмоний соғломлик, балки руҳий тетиклик бахш этиб, қалбни гўзаллаштиради. Шу боис бундай мусобақалар келгусида ҳам кўплаб ташкил қилинади.

М. ТўРАБОЕВА,
«Ishonch» муҳбири

Футбол

Меҳмоннинг сўзлари...

«Бунёдкор»нинг янги легионери Жоао Виктор миллий чемпионатнинг биринчи турида Ўзбекистондаги дастлабки тўпини киритиб, жамоасининг галабасини таъминлади ва ўйиндан сўнг ўз таассуротлари билан ўртоқлашди.



— Ўзбекистонда футбол тез суръатлар билан ривож топиб бораётгани асло муболаға эмас, — деди бразилиялик футболчи. — Бу ерга келиб шунга амин бўлдимки, эзгу мақсад йўлида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Яқин келажакда ушбу ишлар ўз самарасини бериши турган гап. «Бунёдкор» машғулотларида иштирок этаётганимга ҳам бир ойдан ошди. Машғулотларимиз яхши савияда олиб борилмоқда.

Жамоадошлари ҳақида

Жамоамиз таркибида таҳрибали футболчилар талайгина. «Бунёдкор»нинг энг асосий ютуғи ҳам мана шунда! Жамоанинг яна бир асосий ютуғи шундаки, таркибда соғлом рақобат бор. Асосий таркибда майдонга тушиш учун ҳар бир чизикқа 2-3 нафардан футболчи курашади. Бу, албатта, футболчиларни тинмай меҳнат қилишга ундайди. Жамоадаги асосий рақобатчим — Азиз Ҳайдаров. Очигини айтсам, Азиз кучли ўйинчи. У бежизга мамлакатингиз терма жамоаси мураббийларини эътиборини тортмаган.

Дебютнинг омадли келиши

Тўғриси айтсам, юртингиздаги дебют учрашувимда ҳисобимга гол ёзиб қўяман, деб ўйламаган эдим. Менинг майдондаги асосий вазифам — рақиб ҳужумларини йўққа чиқаришдан иборат. Стандарт вазиятлар бўлиб қолса, рақиб жамоа дарвозаси олдида омадимни синаб кўришга ошиқаман. «Динамо» билан ўйиндаги голга келсак, бош билан зарба бериш учун ажойиб имконият юзага келди ва бундан унумли фойдаландим, гол! Рақибимиз ҳам яхши жамоа экан. Агарда ёмғир майдон сифатини бузмаганида «Бунёдкор»нинг ҳам, «Динамо»нинг ҳам асл кучи яққол кўринарди...

Ривалдо билан бир жамоада

Жаҳон тан олган футбол юлдузининг ёнма-ён тўп суриши кўшимча куч бағишлаб туради. Айримлар бундан лаҳзаларда ҳаяжондан ўзини йўқотиб қўяди. Аслида бундай имкониятдан унумли фойдаланиб қолиш керак. Ривалдодан, ташқари, Осиёнинг энг яхши ўйинчиси — Сервер Жепаров, Жасур Ҳасанов ва Виктор Карпенко сингари футболчилар билан бир жамоада тўп суриш ёқимли.

Вақт зиқ...



Миллий терма жамоамиз 28 март куни «Пахтакор» марказий стадионида жаҳон чемпионати саралаш босқичи доирасида Қатар терма жамоаси билан бўладиган ўйин олдиндан ҳеч қанақа ўртоқлик учрашуви ўтказолмайди. Бош мураббий Миржалол Қосимовнинг айтишича, бунга биринчи навбатда чемпионат тақвими йўл қўймайди. Миллий чемпионатимизнинг 3-тур ўйинлари 22 ва 23 март кунларига тўғри келади. Айнан шу сабабга кўра ўртоқлик учрашуви ташкил этиш имконияти йўқ. Футболчилар ойнанинг 24-санасидан бошлаб терма жамоа ихтиёрига кела бошлашади. Ўйлайманки, бу вақтга келиб йигитларда ўйин амалиёти шундоқ ҳам етарли даражада бўлади. 21 ва 22 март кунлари ўзбекистонлик легионерлар тўп сурадиган Украина ҳамда Россия чемпионатларида ҳам навбатдаги тур баҳслари бўлиб ўтади. Шу маънода Қатар терма жамоаси бир мунча устунликка эга. У 17 март куни Доҳада Қувейт термаси билан назорат ўйинида майдонга тушади.

Юртимиз — мезбон

ОФК футзал кўмитаси Куала-Лумпурдаги қароргоҳидаги йилгилишда футзал бўйича 2010 йилда ташкил этиладиган Осиё чемпионати Тошкентда бўлишини тасдиқлади. Ўзбекистон пойтахти уч йил муқаддам ҳам қитъа биринчилигига мезбонлик қилганди.

Осиё чемпионатининг саралаш босқичи Бангкок (Таиланд, Асеан зонаси), Доха (Қатар, Фарб зонаси) ва Пекин (Хитой, Шарқ зонаси) шаҳарларида бўлиб ўтади. Ҳозирча Марказий ва Жанубий Осиё худудлари бўйича якуний қарор қабул қилинмади. Бундан ташқари, Осиё клублар чемпионати Эроннинг Исфаҳон шаҳрида ўтказилиши ҳам эълон қилинди. Унда жами 10 та мамлакат клублари қатнашади: Эрон, Австралия, Япония, Қирғизистон, Ўзбекистон, Хитой, Таиланд, Қатар, Ливан ва Ироқ. Эслатиб ўтамиз, 2006 йил Тошкентда бўлиб ўтган қитъа чемпионатида терма жамоамиз фахрли 2-ўринни банд этганди.



Саёҳатчи топилди



Душанба куні Авачин вулконида йўқолган швейцариялик саёҳатчи топилди. Камчатка ўлкаси бўйича Россия Федерациясининг ФВВ Бош бошқармаси қутқарувчиларининг хабар қилишларича, 1967 йилда туғилган Эрих Виднер мўлжалдаги жойдан бир неча километр йироқда бўлган. Унинг аҳволи яхши.

Гап шундаки, Петропавловск-Камчатскдан ўттиз километр наридаги Авачинск довоидан қорда юрадиган автомашинада ўтгунча бу саёҳатчи уч Швейцария ва тўрт Россия фуқароларидан иборат гуруҳдан қолиб кетган. Саёҳатчилар уни ўзлари топиша олмагач, Камчатка қидирув-қутқарув хизматига мурожаат қилишган. У бир кеча-кундуз қидирилган. Сўнг билишса, саёҳатчилар ўлканинг қидирув-қутқарув хизмати ёки бирор-бир сайёҳлик фирмасида ҳам рўйхатда бўлмаганлар.

Қонун лойиҳаси тақдири


Верховний Рада Украина президенти Виктор Юшенконинг тергов комиссияси ҳақидаги қонун лойиҳасига қўйган ветосини енгиб чиқди. Бу ҳужжат президентни вазифасидан четлатиш жараёнини енгиллаштиради.

Қонун лойиҳаси президентга нисбатан импечмент жараёни бошланса қандай тергов ўтказилишини тартибга солади.

Эслатиб ўтамиз: Украина конституциясига биноан давлатга хиёнат қилганликда айбланган президент алмаштирилиши мумкин. Тергов комиссияси эса буни исботлаб бериши лозим эди. Лойиҳага биндан тергов комиссиясига жуда катта ваколатлар берилган.

Биринчи марта бу ҳужжатни ёқлаб 450 депутатдан 408 таси овоз берди. Юшенко уни қайта кўриш учун қайтарди. Қайта кўриш жараёнида уни ёқлаб 391 та депутат овоз берди.

Импичмент тарафдорлари мамлакат Конституциявий судининг ижобий хулосасини ҳам олишлари зарур.



Ҳам тарғиб, ҳам таққиқ


Америка тамаки компаниясининг собиқ ҳамкори Алан Лэндрес саратон касаллигидан вафот этди. Саратон билан оғриган актёр қолган умрини чекишга қарши курашиб, тамаки маҳсулотлари сотишни чеклашга эришган эди.

Айниқса, у 1960 — 1970-йилларда «Winston» сигаретаси рекламасида иштирок этиб, машҳур бўлиб кетди. Ҳатто, «Winston-man» лақабини ҳам олди. Шундан сўнг унда касалликни аниқлашгач, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг аъзоси бўлди ва тамакига қарши курашда иштирок эта бошлади.

Истеъфо берилди

Фидел Кастро Куба оммавий ахборот воситаларига ҳукуматдаги истеъфоларни шарҳлар экан, нолойиқ кадрлар истеъфого чиқарилаётганини тушунтирди. Укаси Раулнинг ҳукумат аъзоларини алмаштира бошлаганини Кастро шундай изоҳлайди: «Давлатнинг ширасини олиш учун ҳеч нарсадан қайтишмайди, ўзларига ярашмаган жиззаклик қилишади. Хорижий душманларимиз уларга катта умид боғлаган эди».

Фидел Кастро, шунингдек, «унинг одамлари» «Раулнинг одамлари» билан алмаштирилганини инкор этди. Бу ҳукуматни соғломлаштириш тадбири эканлигини, ҳеч кимга адолатсизлик қилинмаганини таъкидлади.



Қотил айбини инкор қилди

Автобусда ёнида ўтирган шахсни ўлдирган канадалик Винс Вейгуан Ли суд жараёнида айбини бўйнига олмади. Судда химоячи ва айбловчи тарафдан икки руҳшунос қатнашмоқда. Томонлар қонли тафсилотни тўлиқ айтмасликка келишдилар. Унинг ақли расолик масаласини ҳал қилиш лозим. Бунинг учун яна уч кун керак бўлади. Судда қотиллик қурбонининг қариндошлари кўз ёш тўксалар-да, айбланувчи ўзини бамайлихотир тутган.

Рухшуносларга у марҳум тирилиб қолмасин деб бўлақларга бўлиб ташлаганини айтган. Гўёки унга «юқоридан» шундай ваҳий келган эмиш.



Ҳайкалчалар ўғриси



Япония полицияси Киотода яшовчи 59 ёшли Ицуо Абени ибодатхонадан Будданинг 17-асрда ясалган ёғоч ҳайкалчасини ўғирлаганликда гумон қилиб, қамоққа олди. Абенинг уйдан 21 та ҳайкалча топилди. У буларни бир неча бутхонадан ўғирлаган эди.

«Будда ҳайкалчалари менга ёқади. Мен буларни сиғиниш учун олдим», — дейди Абе.

Киотода бир неча ибодатхонадан ҳайкалчалар йўқолганлиги тўғрисида шикоят тушди. Бу ҳайкалчалар яқин вақт ичида ўз жойларига қайтарилишига умид қилинмоқда.




Мукофот насиб этмади

Россиянинг Калининград вилоятида «Қишни хузатиш» байрамида кўп қуймоқ ейиш мусобақаси голиби мукофотни топшириш вақтида дунёдан кўз юмди. Черняховск шаҳрида яшовчи 48 ёшли эркак киши мукофотни олиш учун сахнага кўтарилди ва бирдан йиқилиб тушди. Нафаси қисилиб, оғзидан кўпик кела бошлади. Сунъий нафас олдиришлар ҳам, юрагини уқалашлар ҳам ёрдам бермади.

Бу воқеа шунга ўхшаш бемаъни мусобақаларни ўтказувчиларга ҳам, нафсини тия олмайдиганларга ҳам сабоқ бўлса ажаб эмас.





ИЗОХИ СИЗДАН...



Биз Робинзон Крузо
Ҳолига тушиб қолдик.
Олисдан кема кўриб,
Кўлни силкитиб толдик.

Мана қиш фаслидан ҳам
Баҳорга чиқиб олдик.
Дўстим билан кун бўйи
Соҳилда ўйнаб қолдик.

Биз эгизак қуёнлар
Қуёнларнинг энг зўри.
Тулқидан ҳам айёрмиз
Бас келмас ҳатто бўри.

Азизбек НОРОВ,
Қарши шаҳри

Бу ўйин «Лазги»ми ё «Гулноз»,
Раққослар туриши бунча соз.
Ишқилиб Бўривой кўрмасин,
Зўр тушлик деб туширар паққос.

Бир қаранг у ёнлар, бу ёнлар
Суратда шер юрак қуёнлар.
Рингсиз ҳам зўр бокс бўларкан
Кутингчи қай бири қуларкан.

Шухрат ХАЛИЛОВ



Энди навбатдаги суратга
Изоҳ толинг-чи?



Бир гиндим кўлгү



Икки пашша шифтда ҳасратлашмоқда:
— Шу-у, одамлар аҳмоқми дейман-да!
— Нега?
— Шифтни безаш учун шу-у-нча пул сарф-
лашади-ю, ўзлари полда ётишади.

Бир чувалчанг ерни қовлаб
бошини чиқариб, у ёқ-бу
ёққа қараб, керишиб турса,
шундоқ ёнгинасида бир со-
ҳибжамол чувалчангхон тур-
ган эмиш. У дарҳол хоним-
чага гап ота бошлабди:
— Яхши қиз, танишсак
бўладими?
— ...
— Исмингиз нима?
— ...
— Қаерда яшайсиз?
Ниҳоят чувалчангхоннинг
жаҳли чиқиб кетибди:
— Роса жонга тегдингиз-
да, ахир мен сизнинг думин-
гизман-ку!



Арслон қуёнчаси билан «Ўрмон» кафеси-
га кирди.

Қуёнча дарҳол овқат буюртма қилди:
— Мен жуда очман, тезроқ серсабзи хот-дог тайёрлаб
беринг.
Официант бурга эса яна бир буюртма илинжида сўради:
— Хўжайинингиз оч эмасмилар?



Ёпир-ай,
данак кўкариб
чиқибдимми?..

Рассом: Д. ТРОФИМОВА

Икки болакай суҳ-
батлашмоқда:
— Кел, зоопарк-зоо-
парк ўйнаймиз?
— Майли, фақат
мен маймун бўламан.
— Мен-чи?
— Сен уйингдан
менга апелсин олиб
келиб берасан.




Натурализм
оқибати шу-да...

Рассом: В. РОМАНОВ

— Менинг итим шу қадар кўрқоқки, эши-
гимиз кўнғирогини биров босиши билан
у дарҳол каравотнинг остига кириб кета-
ди...
— Хўш, шунга нима қипти?
— Иккаламиз у ерга сиғмаймиз-да...





Кирғоқда ёлғиз ўзи
сувга маюс термулиб
ўтирган балиқчининг
рўпарасига бесўнақай
тимсоҳ сузиб келиб, иш-
таҳа билан тикила бош-
лабди. Балиқчи орадаги
ноқулайликни кетказиш
учун кўйлагининг тугма-
сини ечибди:



— Ҳавони қаранг, ёндираман дейди-я!
Тимсоҳ эса бамайлихотир салфеткани ёқасига
киргизаётиб, бош силкибди:
— Майли-майли, бир шўнғиб чиқа қолинг, ку-
тиб тураман.

Икки қалдирғоч
паस्ताб учаяпти.
Бири иккинчисига:
— Ҳадемай ёмғир
ёғса керак? Одам-
лар бизга тез-тез
карашяпти — деди.

Бир эркак газетага эълон бериш учун
келиб: «Хотинимнинг мушуги йўқолиб
қолди. Топиб берган одамга 500 доллар
мукофот бераман!» — деди.
Муҳаррир ажабланди:
— Мушук учун кўп
эмасми?
У бармоғини лабига
босди:
— Менинг ҳам жоним-
га тегди: кеча чўктириб
келувдим.



Отоҳ бўлинг:
инкироз

Рассом: С. КОРСУН

| | | | | | |
|--|---|---|--|---|--|
| Ishonch МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси | Бош муҳаррир Абдуҳолик АБДУРАЗЗОҚОВ | Биэга кўнғироқ қилинг: Котибият: 256-52-78 Хатлар бўлими: 256-85-43 | Биэнинг манзил: 100165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133, 134 | Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. | Навбатчи котиб - Ж.Шарофбоев Навбатчи - А.Абдуллаев Мусахҳих - Н.Махамов |
| | Таҳрир хайъати: Алла Далжонкова, Анвар Юнусов, Довуд Мадиев (Бош муҳаррир ўринбосари), Жаҳонгир Шарофбоев (масъул котиб), Маншуро Адилова, Мирзохид Содиқов, Нормизат Аллоёров, Носирхон Албаров, Ойсулуз Нафасова, Пирижул Қодиров, Соғиндик Ниетуллаев, Шамс Эсримова | Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютеризда термиди ва сахифаланди. Оффсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 4 босма табак. | «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. | Мушуклар фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқланмай мумкин. Нашримиздан кўриб босилгандир ёшловларнинг олиманиги қўрсатиладиган шарт. Тўқрат эълонингизга молик материаллар ⑤ бағисси остида чоп этилади. | Буюртма Г-214 Тиражи: 20767 Босилгача топшириш вақти - 21.00 Топширилди - 22.40 |